



“ 24 ” март 2019 y № 10

**Уй хўжаликларида танлама кузатувлар ўтказиш
бўйича интервьюерлар учун қўлланмани
тасдиқлаш ҳақида**

Ўзбекистон Республикасининг “Давлат статистикаси тўғрисида”ги Қонунига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 31 июлдаги “Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3165-сон қарори ижросини таъминлаш, шунингдек уй хўжаликларида танлама кузатувларни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича амалдаги услубиятни янада такомиллаштириш мақсадида, Давлат статистика қўмитаси **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Уй хўжаликларида танлама кузатувлар ўтказиш бўйича интервьюерлар учун қўлланма иловага мувофиқ тасдиқлансин.
2. Ушбу қарор кучга кирган кундан бошлаб Давлат статистика қўмитасининг 2018 йил 30 апрелдаги 9-сон “Уй хўжаликларида танлама кузатувлар ўтказиш бўйича интервьюерлар учун қўлланмани тасдиқлаш тўғрисида”ги қарори ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.
3. Ушбу қарор тасдиқланган кундан эътиборан кучга киради.

Раис

Б.Бегалов

Уй хўжаликларида танлама кузатувлар ўтказиш бўйича интервьюерлар учун қўлланма

Ўзбекистон Республикаси аҳолисининг фаровонлиги даражасини ўрганиш мақсадида, давлат статистика органлари томонидан уй хўжаликларида танлама усулда кузатувлар ўтказилади.

Жаҳон Банкнинг тавсиялари ҳамда техник кўмаги асосида, 2000 йилдан бошлаб, Европа статистика комиссияси (Евростат) томонидан ишлаб чиқилган ва Европа иттифоқига кирувчи қатор мамлакатларда қўлланиладиган, уй хўжаликларида танлама кузатувлар ўтказиш бўйича такомиллаштирилган услубиятдан фойдаланилади.

Мазкур қўлланмада шунингдек, Халқаро электроалоқа иттифоқининг Ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш имкониятларини аниқлаш ва улардан уй хўжаликлари ва алоҳида шахслар томонидан фойдаланиши бўйича қўлланмасига (2014 йилдаги нашри), БМТнинг Бутунжаҳон туризм ташкилотининг (БМТБТТ) Туризм статистикаси бўйича 2008 йилда тайёрланган халқаро тавсияларига асосланган таърифлар ва тавсиялар келтирилган.

Уй хўжаликларида ўтказилган кузатувлар натижалари асосида, ижтимоий-иқтисодий жараёнларнинг аҳоли турмуш даражасига таъсирини ўрганиш ва мамлакат аҳолиси фаровонлигини янада юксалтиришга қаратилган қўшимча чора-тадбирларни ишлаб чиқиш учун маълумотлар шакллантирилади. Шунингдек, кузатувлар натижалари, аҳолининг кам таъминланганлик кўрсаткичларини ва истеъмол нархлари индексини ҳисоблашда фойдаланилади.

1. Умумий қоидалар

1. Уй хўжаликларида кузатув ўтказиш услубиятини, кузатув саволномаларини ва танлов услубини ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш Давлат статистика қўмитаси томонидан амалга оширилади.

Худудий статистика бошқармалари уй хўжаликлари танловини амалга ошириш учун зарур бўлган маълумотларни тайёрлаш, саволнома ва бошқа сўров ҳужжатлари бўйича бирламчи статистика маълумотларини йиғиш, уларнинг назорати, компьютерга киритиш ва маълумотлар базасини электрон кўринишда тақдим этиш ишларини амалга оширадилар.

2. Мазкур қўлланмада қуйидаги асосий тушунча ва таърифлар қўлланилади:

уй хўжалиги – маълум бир турар-жой манзилида бирга яшовчи, даромадларини тўлиқ ёки қисман бирлаштирган ҳолда умумий рўзғор юритувчи кишилар гуруҳи. Бунда, уй хўжалиги аъзолари ўртасида қариндошлик алоқалари бўлиши шарт эмас;

саволнома – кузатув давомида уй хўжалиги (унинг аъзоси) тўғрисида маълумот олиш мақсадида аниқ шакллантирилган саволлар рўйхатидан иборат бўлган, белгиланган тартибда тасдиқланган ҳужжат;

интервьюер – кузатув жараёнида танловга тушган уй хўжаликлари аъзолари билан савол-жавоб (интервью) ўтказадиган ҳудудий статистика бошқармаси ходими;

уй хўжалиги бошлиғи – уй хўжалиги аъзоларининг ихтиёрига кўра аниқланади. Бунда, ушбу уй хўжалигининг ёш жиҳатдан энг катта бўлган вакили ёки хўжаликни бошқарадиган ёки уй хўжалигига кўпроқ даромад келтирувчи уй хўжалиги аъзоси уй хўжалиги бошлиғи бўлиши мумкин;

респондент – кузатув ўтказиладиган уй хўжалигининг интервью саволларига жавоб берадиган аъзоси. Респондент уй хўжалигининг бошлиғи ёки ушбу уй хўжалиги тўғрисида тўлиқ маълумотга эга бўлган бошқа аъзоси бўлиши мумкин;

информант – кузатув ўтказиладиган уй хўжалиги аъзоларининг кунлик харажатлари тўғрисида маълумотларни белгиланган саволномага (кундаликка) ёзиб борадиган уй хўжалиги аъзоси;

уй хўжалигининг банд (ишловчи) аъзолари – бир ҳафтага тенг маълум бир қисқа вақт давомида, ёлланма (ҳақ тўланадиган) ходим сифатида ёки мустақил равишда банд бўлган, уй хўжалигининг 16 ёш ва ундан катта аъзолари;

ёлланма (ҳақ тўланадиган) ходимлар – ойлик маош, мукофотлар, устамалар ва ҳ.к., ёки натура (маҳсулот ёки хизмат кўринишида) шаклидаги, шунингдек, меҳнатга ҳақ тўлашнинг яширин (яъни, иш берувчининг бирламчи ва бухгалтерия ҳисоб-китобларида акс эттирилмаган тўловлари) қисмини қўшган ҳолда, ҳақ (рағбатлантириш) олиш назарда тутилган ҳолда ёлланиб ишлаётган шахслар;

мустақил равишда банд бўлиш – бу, рағбатлантириш миқдори мустақил равишда ташкил этилган меҳнат жараёнига уй хўжалиги аъзоларининг жалб қилиниши натижасида олинган даромадга бевосита боғлиқ бўлган бандлик;

уй хўжалигида ишлаб чиқариш – уй хўжалигининг ишлаб чиқариш фаолияти натижаси ҳисобланган, ўз шахсий истеъмоли ҳамда сотиш учун ҳам мўлжалланган товарлар, маҳсулотлар ва хизматлар қиймати;

уй хўжалиги пул харажатлари – истеъмол ва ноистеъмол харажатлардан таркиб топади. Ўз навбатида, уй хўжалигининг истеъмол харажатлари, истеъмол товарлари ва хизматларини харид қилишга (яъни, озиқ-овқат маҳсулотлари сотиб олишга, уйдан ташқарида овқатланишга, спиртли ва спиртсиз ичимликлар, тамаки маҳсулотлари, ноозиқ-овқат маҳсулотлари сотиб олишга ва пуллик хизматларга) йўналтирилган харажатларни ўз ичига олади. Ноистеъмол харажатларга солиқлар, йиғимлар, тўловлар ва истеъмол билан боғлиқ бўлмаган бошқа турдаги харажатлар киради;

ахборот-коммуникация технологиялари (кейинги ўринларда – АКТ) – ахборотларни излаш, тўплаш, сақлаш, қайта ишлаш, тақдим этиш, тарқатиш жараёнлари, усуллари ҳамда мазкур жараён ва усулларни амалга ошириш йўллари.

2. Кузатув ўтказиш инструментарийси

3. Уй хўжаликларида кузатув ўтказиш жараёнида қуйидаги ҳужжатлар ва саволномалардан фойдаланилади:

- а) уй хўжаликларида кузатув ўтказиш режаси;
- б) сўров ўтказилмаган уй хўжаликларини ҳисобга олиш шакли;
- в) уй хўжалиги билан тузиладиган шартнома шакли;
- г) кунлик харажатларни ҳисобга олиш кундалиги;
- д) уй хўжаликлари кузатуви саволномаси;
- е) ички туризм ва аҳолининг жисмоний фаоллиги кузатуви саволномаси.

4. Уй хўжаликларида кузатув ўтказиш режаси ҳамда кузатув саволномалари ва бошқа ҳужжатларни тўлдириш бўйича тушунтиришлар мазкур қўлланманинг 1-4 иловаларида келтирилган.

5. Зарур ҳолларда, кузатув ўтказиш учун белгиланган тартибда тасдиқланган бошқа ҳужжатлар ва саволномалардан фойдаланиш мумкин.

3. Танлов тартиби ва босқичлари

6. Кузатув Ўзбекистон Республикасининг барча ҳудудларида - Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида ўтказилади. Ҳар йиллик танлама ҳажми жами туркумнинг 0,2 фоизини ташкил этади. Танлама ҳажмини шакллантиришда, кузатув натижасида олинadиган маълумотларнинг аниқлик даражаси, шунингдек, сарфланадиган маблағларнинг самарали ишлатилиши ҳисобга олинади.

7. Танлов услубиятига кўра, чорак бўйича олинган кузатув натижалари республика бўйича маълумотларнинг репрезентативлигини таъминлайди. Республика ҳудудлари бўйича таҳлилий маълумотларни тайёрлаш учун йиллик маълумотлардан фойдаланиш лозим.

8. Уй хўжаликлари танлови ҳар бир ҳудудда яшовчи аҳоли сонидан келиб чиққан ҳолда амалга оширилади. Танловни амалга оширишдан аввал, танлов бирлиги ҳисобланган уй хўжаликлари сони республиканинг ҳудудлари кесимида олдиндан тақсимланади. Ҳар бир ҳудуд бўйича уй хўжаликлари танлови, шаҳар ва қишлоқ жойлари кесимида амалга оширилади.

9. Уй хўжаликларининг танлови икки босқичдан иборат бўлиб, биринчи босқичда маҳалла/қишлоқлар танлаб олинади ва бу жараён ҳар олти ойда, йилда икки марта такрорланади. Ҳар бир маҳалла/қишлоқнинг танловга тушиш эҳтимоли, уларда мавжуд бўлган уй хўжаликлари (ёки аҳоли) сонига боғлиқ.

10. Танловнинг биринчи босқичини амалга оширишдан аввал, бориш қийин бўлган ҳудудларда жойлашган туманлар, қишлоқ ва шаҳар фуқаролар йиғинлари танлов рўйхатидан чиқарилади. Ушбу ҳудудларни рўйхатдан чиқариш учун мезон бўлиб, уларда яшовчи аҳоли сонининг республика умумий аҳоли сонигаги улуши ҳисобланади.

11. Уй хўжаликлари танлови танловнинг иккинчи босқичида амалга оширилади. Танлаб олинган маҳалла/қишлоқлар бўйича барча уй хўжаликларининг рўйхатини (уй хўжалиги бошлигининг исми ва фамилияси, манзили) ҳудудий статистика

бошқармалари белгиланган тартибда, электрон кўринишда шакллантирадилар. Давлат статистика қўмитаси ушбу рўйхат асосида уй хўжаликлари танловининг иккинчи босқичини амалга оширади ва келгуси олти ой давомида кузатув ўтказишда фойдаланиладиган уй хўжаликлари рўйхатини шакллантиради. Танловнинг барча босқичлари Давлат статистика қўмитаси томонидан амалга оширилади.

4. Уй хўжаликларида кузатув ўтказиш тартиби ва интервьюернинг мажбуриятлари

12. Интервьюер, уй хўжаликларида кузатув ўтказишдан аввал тайёргарликдан ўтган ва унинг кузатув ўтказиш бўйича олган билимлари Турмуш даражаси статистикаси ва уй хўжаликлари кузатувлари бўлими бошлиғи томонидан синовдан ўтказилган бўлиши шарт. Шунингдек, интервьюер кузатув жараёнида фойдаланиладиган барча ҳужжатлар, саволномалар, ушбу Қўлланма ва унинг иловалари билан танишган бўлиши лозим. Ушбу талаблар бажарилмаган тақдирда, интервьюернинг кузатувда иштирок этиши ман этилади.

13. Кузатув жараёнида интервьюер қуйидагиларга амал қилиши лозим:

а) кузатув ўтказиш режасига мувофиқ, танлов рўйхатида киритилган уй хўжаликларида ташриф буюриш ва кузатув ўтказиш;

б) уй хўжалиги аъзоларини ҳурмат қилиш, уларга нисбатан ҳушмуомала бўлиш ва сўров (интервью)нинг ихтиёрийлигини таъминлаш;

в) кузатувнинг мақсади ва вазифаларини уй хўжалиги аъзоларига аниқ тушунтириш ҳамда сўров (интервью)ни холис ва беғараз ўтказиш;

г) саволномани фақат ручка (кўк рангли) билан тўлдириш, унинг сифатини респондент иштирокида текшириш, тўлдирилган саволномага респондентнинг рухсатисиз тузатиш ва ўзгартиришлар киритмаслик;

д) уй хўжалиги кузатувининг сўров маълумотларини ва бошқа ҳужжатларини қалбакилаштиришга йўл қўймаслик;

е) интервью ўтказишда саволлар тартибини ўзгартирмаслик, саволларни респондентга шошмасдан ўқиб эшиттириш, савол респондентга тушунарсиз бўлган тақдирда, саволни такроран ўқиб бериш, саволларни жавобсиз қолдирмаслик ва интервьюер учун бош ҳарфларда берилган қоидаларга амал қилиш;

ж) кунлик харажатларни ҳисобга олиш кундалигини юритиш қоидаларини информантга тушунтириб бериш ва информант томонидан кундаликни тўғри ва тўлиқ тўлдирилишини таъминлаш;

з) саволномани тўлдириш жараёнида қийинчилик ва муаммолар юзага келганда, шунингдек, респондент айрим саволларга жавоб беришни рад этган ҳолларда, бу тўғрисидаги маълумотларни уй хўжаликлари кузатуви саволномасининг интервьюер қайдлари бўлимига киритиш;

и) уй хўжалигидан олинган маълумотларни ошкор қилмаслик, тўлдирилган саволномаларни фақат ҳудудий статистика бошқармасининг кузатув учун масъул ходимларига тақдим этиш;

к) кузатув ўтказилган уй хўжалиги бўйича тўлдирилган саволнома ва бошқа сўров ҳужжатларининг тўлиқлиги ва сифатлилигини текшириш;

уй хўжалиги томонидан шартнома талаблари сифатли ва ўз вақтида бажарилган тақдирда, белгиланган миқдордаги пул мукофотининг ўз вақтида топширилишини таъминлаш;

л) тақдим этилган маълумотлар, шунингдек, уй хўжалиги аъзоларининг кузатувда иштирок этиш учун сарфлаган вақтлари учун миннатдорчилик билдириш.

14. Кузатувда иштирок этиш учун розилик билдирган респондентлар сони, улар томонидан тақдим этилаётган маълумотларнинг сифати кўп жиҳатдан интервьюер томонидан қўлланилаётган мулоқот усулига ва респондент билан ўзаро ҳамкорлик қила олишига, шунингдек, ўтказилаётган сўров мақсадини интервьюер қай даражада яхши тушунтира олишига боғлиқ.

15. Интервьюер уй хўжалигига қилган биринчи ташрифида саволларга жавоб олиш учун респондентни аниқлаб олади ва унга кузатувнинг мақсади, вазифалари ва мазкур уй хўжалиги кузатувнинг танлов режасига аҳолининг турли даромад даражасига эга бўлган барча қатламларини қамраб олинишини таъминловчи, танловни автоматлаштирилган тарзда амалга оширувчи махсус дастур асосида киритилганлиги тўғрисида маълумот беради.

16. Респондент кузатувда иштирок этишга розилик бергандан сўнг, интервьюер ҳудудий статистика бошқармаси билан респондент ўртасида, белгиланган тартибда икки томонлама шартномани расмийлаштиради, респондентга шартнома талаблари ва томонларнинг мажбуриятларини тушунтиради.

17. Агар уй хўжалиги кузатувда иштирок этишни рад этса, ушбу уй хўжалиги бўйича “Сўров ўтказилмаган уй хўжаликларини ҳисобга олиш шакли” тўлдирилади ва кузатувни давом эттириш учун белгиланган тартибда бошқа уй хўжалигига ташриф буюрилади.

18. Агар уй хўжалиги кузатув жараёни давомида кузатувда иштирок этишдан бош тортса, ушбу уй хўжалиги бўйича ҳам “Сўров ўтказилмаган уй хўжаликларини ҳисобга олиш шакли” тўлдирилади, ҳудудий статистика бошқармаси ва респондент ўртасида расмийлаштирилган икки томонлама шартнома бекор қилинади ва кузатув якунланади.

5. Якуний қондалар

19. Кузатув дастурида белгиланган саволномалар бўйича сўров якунлангандан сўнг, интервьюер, саволномалар маълумотларини дастурий таъминотга киритади, арифметик ва мантикий хатолар йўқлигини текширади.

20. Маълумотларни киритиш ва уларни текширишни тугатганидан сўнг, интервьюер, кузатув жараёнида тўлдирилган ва тўлдирилмаган барча ҳужжатларни ҳудудий статистика бошқармасининг масъул ходимига топширади.

21. Ҳудудий статистика бошқармасида интервьюердан қабул қилиб олинган саволнома ва бошқа ҳужжатлар тўғрисида, тўлдирилмаган саволномалар бўйича сабабини кўрсатган ҳолда, рўйхатга олиш китобига қайд қилинади.

22. Ҳудудий статистика бошқармасининг масъул ходимлари, кузатув жараёнида олинаётган маълумотларнинг ҳаққонийлиги ва сифатини таъминлаш мақсадида, мунтазам

равишда уй хўжаликларига ташриф буюрган ҳолда назорат ишларини олиб борадилар, бунда, ҳар ойда кузатилаётган уй хўжаликларининг 15 фоизига яқини текширилади.

23. Уй хўжаликларида кузатув ўтказиш қоида ва тартибларини бузган интервьюерлар белгиланган тартибда жавобгарликка тортилади.

“Уй хўжаликларида танлама
кузатувлар ўтказиш бўйича
интервьюерлар учун қўлланма”га
1-илова

Уй хўжаликларида кузатув ўтказиш режаси

1. Танлама кузатувга тушган ҳар бир уй хўжалиги бир ой давомида кузатилади. Уй хўжалигининг кунлик харажатларини ҳисобга олиш мақсадида, информант томонидан 14 кун давомида кундаликка тегишли ёзувлар киритиб борилади. Ой давомида амалга оширилган харажатларни тўлиқ қамраб олиш мақсадида уй хўжаликлари икки тоифага ажратилади. Биринчи тоифадаги уй хўжаликлари кундаликни ойнинг 1-14 саналарида юритадилар. Иккинчи тоифадаги уй хўжаликлари кундаликни ойнинг иккинчи ярмида – 15-28 саналарида юритадилар.

2. Кузатув ўтказиш мақсадида интервьюернинг уй хўжаликларида қиладиган ташрифлари режаси қуйида келтирилган.

Таш- риф рақа- ми	Ташриф муддати		Тадбирлар
	биринчи тоифа	иккинчи тоифа	
1.	Кузатувдан олдинги ойнинг охирги уч кун	Кузатув ойининг 12-14 санаси	– уй хўжалиги билан алоқа ўрнатиш, респондент билан бошқарма ўртасида шартнома тузиш; – кунлик харажатларни ҳисобга олиш кундалигини топшириш, уни тўлдириш тартибини информантга тушунтириш; – респондент билан иккинчи ташриф вақтини келишиб олиш.
2.	Кузатув ойининг 2-4 санаси	Кузатув ойининг 15-17 санаси	– кунлик харажатларни ҳисобга олиш кундалигининг информант томонидан мустақил равишда тўғри тўлдирилганлигини текшириш; – респондент билан учинчи ташриф вақтини келишиб олиш.
3.	Кузатув ойининг 15-17 санаси	Кузатувдан кейинги ойнинг 2-4 санаси	– кунлик харажатларни ҳисобга олиш кундалигини информантдан қабул қилиб олиш ва текшириш; – респондент билан тўртинчи ташриф вақтини келишиб олиш.
4.	Кузатувдан кейинги ойнинг 2-4 санаси	Кузатувдан кейинги ойнинг 2-4 санаси	– уй хўжаликлари кузатуви саволномаси, ички туризм ва аҳолининг жисмоний фаоллиги кузатуви саволномаси бўйича интервью ўтказиш; – кузатувда иштирок этгани учун уй хўжалигига пул мукофоти ва ташаккурномани топшириш.

Эслатма. Агар интервьюер белгиланган ташриф вақтида уй хўжалиги аъзоларидан ҳеч кимни ёки зарур бўлган аъзоларини топа олмаса, у ушбу уй хўжалигига яна икки марта, турли кун ва вақтларда ташриф буюриши шарт.

**Кунлик харажатларни ҳисобга олиш кундалигини
тўлдириш бўйича тушунтиришлар**

1. Кунлик харажатларни ҳисобга олиш кундалиги (кейинги ўринларда – Кундалик), уй хўжалигининг барча пул харажатлари ва истеъмол қилинган маҳсулотлари миқдори ҳисобини юритиш учун фойдаланилади.

2. Кундалик ёзувлари 14 календарь куни давомида олиб борилади.

3. Кундалик қуйидаги 6 бўлимдан иборат:

а) 1-бўлимда, Кундалик юритишнинг биринчи ва охири кунида уй хўжалигида мавжуд бўлган сотиб олинган озиқ-овқат маҳсулотлари белгиланган рўйхат бўйича кўрсатилади;

б) 2-бўлимда, уй хўжалиги томонидан озиқ-овқат маҳсулотлари, спиртли ва спиртсиз ичимликлар, тамаки маҳсулотлари, ноозиқ-овқат маҳсулотлари сотиб олишга, хизматлар учун тўловлар ва ҳ.к. учун сарфланган харажатлар, шунингдек, озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат маҳсулотларининг сотиб олинган жойи кўрсатилади;

в) 3-бўлимда, уй хўжалиги томонидан кун давомида нонушта, тушлик ва кечки овқат тайёрлаш учун сарфланган қуйидаги озиқ-овқат маҳсулотлари акс эттирилади:

ўз хўжалигида ишлаб чиқарилган (етиштирилган) ва қайта ишланган;

совға ёки беминнат ёрдам тариқасида олинган;

иш ҳақи ҳисобига олинган;

берилган товарлар ёки кўрсатилган хизматлар эвазига олинган, қарз сифатида ёки бошқа манбалардан келиб тушган;

г) 4-бўлимда, уй хўжалиги томонидан Кундалик юритиш даврида ёки аввал сотиб олинган ва кейинчалик узоқ муддат сақланидиган маҳсулотлар (консервалар, мураббоблар) тайёрлаш учун, уй ҳайвонларига озуқа учун сарфланган, сотилган ёки совға қилинган, бошқа товарларга алмаштирилган ёки фойдаланилган хизматлар учун берилган озиқ-овқат маҳсулотлари кўрсатилади;

д) 5-бўлимда, кундалик юритиш даврида уй хўжалигига келиб тушган қуйидаги ноозиқ-овқат товарлари кўрсатилади:

совға тариқасида;

иш ҳақи ҳисобига;

берилган товарлар ёки кўрсатилган хизматлар эвазига олинган, шунингдек, бошқа манбалардан келиб тушган;

е) 6-бўлимда, уй хўжалиги томонидан Кундалик юритиш даврида сотиб олинган ва кейинчалик сотилган ёки совға қилинган, бошқа товарларга алмаштирилган ёки фойдаланилган хизматлар учун берилган ноозиқ-овқат товарлари кўрсатилади.

4. Кундаликни топширишдан олдин, Кундаликни қандай юритиш ва ёзувларни қандай тўғри ёзиш кераклиги тўғрисида уй хўжалигига (информантга) батафсил кўрсатма берилиши керак.

5. Интервьюер қуйидаги ҳал қилувчи масалаларга аҳамият бериши зарур:

а) Кундаликни юритадиган шахсни (кейинги ўринларда – информант) аниқлаб, ўша шахсга кўрсатма бериш керак;

б) информант 14 кунлик давр давомида, ҳар куни Кундалик ёзувларини амалга ошириши керак;

в) информантдан, ундан нима талаб қилиниши ва Кундалик ёзувларини қандай тўғри амалга оширилиши кераклигини тушунганлигини аниқлаш лозим.

6. Информант томонидан Кундаликнинг тўғри тўлдирилишини таъминлаш учун, интервьюер қуйидагиларни амалга ошириши лозим:

а) информантга батафсил оғзаки кўрсатма бериш ва Кундаликни тўлдириш қоидаларини унинг ўзига ўқиб чиқиш учун бериш;

б) информант Кундаликнинг 2-3 бетларидаги барча қоидаларни ўқиганига ва 5-6 бетлардаги уни тўлдириш намуналари билан танишганлигига ишонч ҳосил қилиш;

в) Кундаликнинг тўлдирилиши, кузатув ўтказиш режасига биноан аниқ белгиланган кунда бошланишини кузатиб бориш;

г) Кундалик ёзувлари олиб бориладиган 14 кунлик даврнинг биринчи куни бўйича информант томонидан ёзувларнинг тўғри амалга оширилишини назорат қилиш.

7. Кундалик юритишнинг биринчи кунидан бошлаб, ёзувларни информантнинг ўзи амалга ошириши шарт. Ишнинг дастлабки биринчи кунини ташкил этишда қуйидаги вариант ҳам бўлиши мумкин: информант Кундаликни кун давомида қалам билан тўлдиради, интервьюер эса ёзувларнинг тўғрилигини текширади. Керак бўлган тузатишлардан сўнг, информант охириги ёзувни ручка билан ёзади.

8. Кундаликнинг титул қисми, уй хўжаликларини танлаш бланкасида кўрсатилган маълумотларга асосан интервьюер томонидан тўлдирилади.

Уй хўжаликлари кузатуви саволномасини тўлдириш бўйича тушунтиришлар

Уй хўжаликлари кузатуви саволномаси титул варагининг сатрлари уй хўжаликларини танлаш бланкасида кўрсатилган маълумотлар асосида тўлдирилади.

Бунда, мазкур саволнома бўйича сўров ўтказиш учун интервьюернинг уй хўжалигига катновлари сони, вақти ва натижалари тўғрисидаги барча маълумотлар А13 “Интервью ўтказиш учун ташриф натижалари” саволида кўрсатилади.

1. Уй хўжалиги таркиби

1. В1 саволида уй хўжалиги аъзоларининг умумий сони кўрсатилади. Агар уй хўжалигининг бирор бир аъзоси, уй хўжаликлари кузатуви саволномаси бўйича интервью ўтказиш вақтида уйда бўлмаса (масалан, ишлашга, ўқишга, ҳарбий хизматга кетган, жазони ижро этиш муассасасида жазо муддатини ўтаётган бўлса), уларни ҳам уй хўжалиги таркибига киритиш ва В1 саволида кўрсатиб ўтиш керак.

2. 1-жадвал сатрларида, ёши (3-устун), жинси (4-устун), oilавий ҳолати (5-устун), уй хўжалиги бошлиғига нисбатан қариндошлик муносабатини (6-устун), кўрсатган ҳолда, уй хўжалигининг барча аъзолари рўйхатини кўрсатиш зарур. Бунда, уй хўжалигининг 15 ёшгача бўлган аъзолари учун oilавий ҳолати кўрсатилмайди. Бир ёшга тўлмаган болалар учун “Ёш” устунига 0 рақами қўйилади.

3. Кузатув ўтказилаётган вақтда қайси таълим муассасасига қатнашини аниқлаштириш учун 7-устун бўйича савол уй хўжалигининг 3-29 ёшдаги аъзоларига берилади. Бунда интервьюердан 3-устунда келтирилган уй хўжалиги аъзосининг ёши ва 7-устунда келтирилган жавобнинг мослиғига эътибор қаратиши талаб этилади, чунки, таълим олиш жараёнидаги айрим ҳолатларни истисно қилганда, мактабгача таълим муассасасида таълим олиш 6 (7) ёшгача, бошланғич – 7 ёшдан 10 ёшгача, умумий ўрта – 11 ёшдан 17 ёшгача, ўрта махсус, касб-ҳунар (академик лицей ва касб-ҳунар колледжларида) – 16 ёшдан 18 ёшгача бўлган даврда олиб борилади.

4. Уй хўжалигининг 10 ёш ва ундан катта аъзолари учун эришган таълим даражаси 8-устун бўйича аниқланади, яъни таълим даражаси тўғрисидаги ҳужжат (шаҳодатнома, диплом ва б.)га асосан муваффақиятли тамомланган энг юқори таълим даражаси кўрсатилади. Ҳозирги вақтда таълим муассасасида таълим олаётганлар учун таълим даражаси сифатида таълим муассасасига киргунга қадар эришилган таълим даражаси кўрсатилиши лозим.

5. 1-жадвалнинг 8-устунида таълим даражасининг қуйидаги турлари назарда тутилган:

саводсиз – таълим муассасасига қатнамаган ҳамда ўқиш ва ёзиш малакасига эга бўлмаган шахслар киритилади;

ўқиш ва ёзишни биладиган, аммо маълумотга эга эмас (саводли) – ўқиш ва ёзиш малакасига эга бўлган, аммо таълим муассасасига қатнамаган шахслар киритилади;

мактабгача – мактабгача таълим муассасасига қатнаган ҳамда ўқиш ва ёзиш малакасига эга бўлган шахслар киритилади;

бошланғич – умумтаълим муассасаларида 3 йиллик бошланғич таълимнинг 3-синфини ёки 4 йиллик бошланғич таълимнинг 4-синфини тамомлаган шахслар киритилади. Ҳозирги вақтда умумтаълим муассасаларининг бошланғич синфларида (1-4 синфлар) таълим олаётганлар учун маълумот даражаси сифатида, агар бола умумтаълим муассасасининг 1-синфига киргунга қадар мактабгача таълим муассасасига қатнаган бўлса, «мактабгача таълим» даражаси, агар бола мактабгача таълим муассасасига қатнамаган бўлса, «ўқиш ва ёзишни билади, аммо маълумотга эга эмас» даражаси кўрсатилади;

тўлиқсиз ўрта – умумтаълим мактабларининг 8-синфини (саккиз йиллик ўрта таълим) ёки 9-синфини (тўққиз йиллик ўрта таълим) тамомлаганлик тўғрисидаги шаходатномага эга бўлган шахслар киритилади. Мазкур таълим даражасига эга бўлмаган (масалан, умумтаълим муассасасининг 5-9 (8) синфларини тамомлаган ва шаходатнома олмаган) респондентлар учун таълим даражаси сифатида бошланғич маълумот кўрсатилиши лозим;

тўлиқ ўрта – умумтаълим муассасасининг 10-синфини (ўн йиллик ўрта таълим) ёки 11-синфини (ўн бир йиллик ўрта таълим) тамомлаганлик тўғрисидаги шаходатномага эга бўлган шахслар киритилади. Мазкур таълим даражасига эга бўлмаган (масалан, умумтаълим муассасасининг 10 (9) – 11 (10) синфларини тамомлаган ва шаходатнома олмаган) респондентлар учун таълим даражаси сифатида тўлиқсиз ўрта маълумот кўрсатилиши лозим;

ўрта махсус, касб-хунар – техникум, касб-хунар-техника билим юртини, шунингдек, академик лицей ёки касб-хунар коллежини тамомлаганлик тўғрисидаги хужжатга эга бўлган шахслар киритилади. Ҳозирги вақтда академик лицей ёки касб-хунар коллежида таълим олаётганлар учун маълумот даражаси сифатида респондентнинг академик лицей ёки касб-хунар коллежига киргунга қадар эришган маълумот даражаси кўрсатилади;

тугалланмаган олий – олий таълим муассасасининг 3-курсини тамомлаган ва тугалланмаган олий маълумот тўғрисида маълумотнома олган шахслар киритилади. Бунда олий таълим муассасаларининг бакалаврият босқичида таълим олаётган шахслар ушбу тоифага киритилмайди;

олий маълумотли мутахассис – олий маълумотли мутахассис дипломига эга бўлган шахслар киритилади. Миллий таълим стандартларига мувофиқ, ушбу маълумот даражаси олий таълим муассасасини 2000 йилгача бўлган даврда, яъни икки поғонали таълим даражаси (бакалаврият ва магистратура) жорий қилингунга қадар бўлган даврда тамомлаганлар учун берилади;

бакалавр – бакалавр дипломига эга бўлган, тўрт йилдан кам бўлмаган таълим даврида мутахассислик йўналиши бўйича фундаментал ва амалий билим олган олий

маълумотга эга шахслар киритилади. Айни вақтда олий таълим муассасасининг бакалавриат босқичида таълим олаётганлар учун маълумот даражаси сифатида респондентнинг бакалавриат босқичига киргунга қадар эришган маълумот даражаси кўрсатилади;

магистр – магистр дипломига эга бўлган, икки йилдан кам бўлмаган таълим даврида бакалавриат асосида аниқ бир мутахассислик йўналиши бўйича фундаментал ва амалий билим олган олий маълумотга эга шахслар киради. Айни вақтда олий таълим муассасасининг магистратура босқичида таълим олаётганлар учун маълумот даражаси сифатида бакалавр даражаси кўрсатилади, чунки ушбу маълумот даражаси респондентнинг магистратурага киргунга қадар эришилган маълумот даражаси ҳисобланади;

фан номзоди даражаси – фан номзоди илмий даражасига эга бўлган шахслар киради. Фан номзоди даражаси олий таълим муассасалари ёки илмий тадқиқот муассасасаларининг аспирантура (адъюнктура) босқичида таълим олганлар, шунингдек, мустақил изланувчиларга номзодлик диссертациясини ҳимоя қилган тақдирда илмий кенгаш томонидан берилади. Респондент аспирантура (адъюнктура)да ёки мустақил изланувчи сифатида таълим олган бўлиб, аммо номзодлик диссертациясини ҳимоя қилмаган бўлса, фан номзоди даражасини олган ҳисобланмайди;

фан доктори даражаси – фан доктори илмий даражаси дипломига эга бўлган шахслар киради. Фан доктори даражаси олий таълим муассасаларининг докторантура босқичида (катта илмий ходимлар-изланувчилар институтида) ёки илмий тадқиқот муассасасида, шунингдек мустақил изланувчи сифатида таълим олган шахсларга докторлик диссертациясини ҳимоя қилган тақдирда илмий кенгаш томонидан берилади. Респондент докторантурада (катта илмий ходимлар-изланувчилар институтида) ёки мустақил изланувчи сифатида таълим олган бўлиб, аммо докторлик диссертациясини ҳимоя қилмаган бўлса, фан доктори даражасини олган ҳисобланмайди;

6. Таълим даражасини аниқлашда қаерда таълим олинганлиги муҳим эмас: давлат ёки нодавлат, кундузги, сиртки, кечки ёки хорижий таълим муассасаларида.

7. Уй хўжалигининг 15 ёш ва ундан катта аъзоларининг тамаки маҳсулотларини истеъмол қилиши 1-жадвалнинг 9-устуни бўйича аниқланади. Бунда, уй хўжалигининг 15 ёшгача бўлган аъзолари учун тамаки маҳсулотларини истеъмол қилиши кўрсатилмайди ва “9” хос рақами қўйилади.

8. Ногиронлик расмий мақомига эга бўлган шахслар 1-жадвалнинг 10-устуни орқали, ўзининг ҳаёт фаолияти давомида ва соғлиғида (кўришда, эшитишда, мулоқот қилишда, сўзлашишда, ҳаракатланишда, ўзини парвариш қилишда, фикрини жамлашда, билим ўрганиш ва татбиқ этишда ва бошқа сабаблар) чекланиш (қийинчилик)га дуч келувчи шахслар 11-устун орқали аниқланади. Агар шахс кўплаб қийинчиликларга дуч келса, ушбу шахс учун аҳамиятлироқ бўлгани танланади.

9. 1-жадвал тўлдирилгандан сўнг, уй хўжалиги аъзолари сони В1 саволига берилган жавоб билан солиштирилади.

10. Уй хўжалигининг кузатув даврида 10 ёшга ва 16 ёшга тўладиган аъзоларига алоҳида эътибор бериш зарур, чунки бу ёш, мазкур саволноманинг “АКТ воситаларидан фойдаланиш имкониятларининг мавжудлиги ва уй хўжалиги аъзоларининг АКТ

воситаларидан фойдаланиш кўлами” М бўлимида ҳамда “Уй хўжалиги аъзоларининг бандлиги ва якка тартибдаги даромадлари” J бўлимида сўров ўтказиш учун кимни танлаб олиш кераклигини аниқлашда мезон бўлиб хизмат қилади.

2. Уй-жой шароитлари

11. C1 саволида, уй хўжалиги эгаллаб турган уй-жой тури кўрсатилади.

12. C4 саволида, яшаш хоналарига меҳмонхона, ётоқхона, кабинет, овқатланиш хоналарини киритиш керак. Аксарият ҳолларда, кўп қаватли уйларда квартиранинг лоджияси (айвон) ва ошхонаси яшаш хонаси сифатида жиҳозланган бўлади, бундай ҳолларда, агар лоджия (айвон) ойналанган ёки яшаш хонаси (меҳмонхона, овқатланиш хонаси, кабинет ёки ётоқхона) сифатида фойдаланилаётган бўлса, бундай мослаштирилган лоджия (айвон) ва ошхона яшаш хоналари сонига киритилади.

13. C5-C6 саволларида, яшаш хоналарининг майдонини квартира (ер участкаси, уй)нинг умумий майдони билан чалкаштирмаслик керак. Квартира (ер участкаси, уй)нинг умумий майдонига, яшаш хоналаридан ташқари, ички ёрдамчи бинолар ҳамда қурилмаларнинг майдони киради. Агар респондент қурилмаларнинг умумий майдонини “сотих”да айтса, у ҳолда “сотих”ни “квадрат метр”га айлантириш керак. (1 сотих 100 квадрат метрга тенг).

14. C9 ва C10 саволларида, турар-жой биноларида охирги марта амалга оширилган капитал ва жорий таъмирлаш даври аниқлаштирилади. Бунда, агар таъмирлаш ишлари бир йил ичида қилинган бўлса, масалан бир ой ёки ярим йил олдин, у ҳолда C9 ва C10 саволларида “1” рақами кўрсатилади. Агар таъмирлаш ишлари умуман қилинмаган бўлса, “0” рақами кўрсатилади.

15. C9 ва C10 саволларида, бажарилган таъмирлаш ишлари турини аниқлашда, интервьюер турар-жой биноларини жорий таъмирлаш ишларига қуйидаги ишлар киришини тушунтириши керак:

1) турар-жойни яхши яроқли ҳолатда сақлаш учун мунтазам равишда амалга ошириладиган;

2) турар-жой биноларининг фойдаланиш сифати, хусусиятларини ёки хизмат кўрсатиши мумкин бўлган муддатини ўзгартирмайдиган. Бундай ишларга: суваш, девор ва шифтларни бўяш ва гулқоғоз ёпиштириш, томни таъмирлаш, поли пардозлаш ва бўяш, плиткalar териш, ўрнатилган сантехника ва иситиш қурилмаларини таъмирлаш.

Капитал таъмирлаш ишларини бажариш, бино ва иншоотларнинг алоҳида эскирган конструктив элементлари ва қисмларини алмаштириш ёки асосий конструкцияларни (деворлар, пойдеворлар, қаватлараро тўсиқлар ва шу кабиларни) бутунлигича ўзгартирмаган ҳолда, уларни мустаҳкамроқ ва тежамкорроқларига алмаштириш бўйича ишларни амалга оширишни назарда тутати.

16. C11 саволида, уй хўжалигининг коммунал тизими билан таъминланганлиги аниқланади:

а) водопровод билан таъминланганлик деганда, уй, квартира ичида ёки ер участкасида марказлашган сув тармоғидан ёки артезиан кудугидан сув келувчи водопровод тақсимлагич тизимининг мавжудлиги тушунилади (1-сатр). Агар, респондент

водопровод мавжудлиги тўғрисидаги саволга “йўқ” деб жавоб берса, у ҳолда бу билан ўзаро боғлиқ бўлган иссиқ сув ва канализация билан таъминланганлик тўғрисидаги саволларга жавобларнинг тўғрилигини текшириш керак;

б) иссиқ сув билан таъминланганлик (марказлаштирилган ёки якка тартибдаги) деганда, марказлаштирилган ҳолда ёки якка тартибда сувиситгичларда (иситиш воситасининг туридан қатъий назар), шу жумладан кичик ҳажмли иситиш қозонида иситиб узатиладиган иссиқ сув қувури мавжудлиги тушунилади (2-сатр);

в) табиий газ билан таъминланганлик деганда, ер участкаси, уй ёки квартиранинг табиий газ тармоғидан таъминланадиган газ ускуналари (газ плита, АГВ ёки газ колонкалари) билан жиҳозланганлиги тушунилади (3-сатр);

г) иситиш (марказлаштирилган ёки якка тартибдаги) тизими билан таъминланганлик деганда, марказлаштирилган ҳолда ёки якка тартибда иситиш тизими (иситиш воситасининг туридан қатъий назар), шу жумладан кичик ҳажмли иситиш қозони орқали иситиш билан таъминланганлиги тушунилади (5-сатр);

д) канализация билан таъминланганлик деганда, хўжалик-чиқинди сувларининг оқиб кетиши учун тармоқнинг марказлаштирилган канализация тармоғига ёки тортиб кетувчи қудуққа ёки ҳовлидаги махсус ўрага уланганлиги тушунилади (6-сатр);

е) совун ва сув билан таъминланган қўл ювиш жиҳозлари (ускунаси) деганда сув ва совун билан таъминланган, барча уй хўжалиги аъзолари фойдаланадиган жиҳозлар тушунилади (10-сатр).

17. С15 саволида, қаерда жойлашганлигидан қатъий назар, бошқа ҳар қандай турар-жой назарда тутилади. Бу турар-жой, шу ёки бошқа аҳоли пунктида, бошқа туман, шаҳар ёки вилоятда жойлашган бўлиши мумкин.

18. С16 саволида уй хўжалиги томонидан фойдаланиладиган ҳожатхона тури кўрсатилади.

Уй хўжалигида жойлашган ҳожатхона деганда уй хўжалигининг турар-жой хоналари билан бир бино ичида (уй хўжалиги ҳовлисида эмас) жойлашган ҳожатхона тушунилади.

Уй хўжалигидан ташқарида жойлашган ҳожатхона деганда уй хўжалигининг турар-жой хоналаридан ташқарида, яъни (ҳовлида ёки кўчада) жойлашган ҳожатхона тушунилади.

3. Хўжалик фаолиятини юритиш шароитлари

19. D1 ва D2 саволларида, мазкур уй хўжалиги фойдаланаётган барча ер участкалари турлари кўзда тутилади. Бунда, ушбу ер участкаларининг қаерда жойлашганлиги муҳим эмас.

Ер участкалари қуйидаги турларга бўлинади:

а) томорқа ер участкаси - кишлок хўжалик маҳсулотини эркин савдо ҳамда оила эҳтиёжлари учун етиштириш, шунингдек, якка тартибдаги уй-жой қурилиши ҳамда уй-жойни ободонлаштириш мақсадида оила аъзоларидан бирига мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилишга қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва ўлчамларда ажратиб бериладиган ер участкаси;

б) деҳқон хўжалигига иморатлар ва иншоотлар қуриш ҳуқуқисиз ажратилган ер участкаси. Ўзбекистон Республикасининг “Деҳқон хўжалиги тўғрисидаги” қонунига мувофиқ, деҳқон хўжалигини юритиш учун бериладиган ер участкаси майдони суғориладиган ерларда 0,35 гектаргача, суғорилмайдиган (лалмикор) ерларда 0,5 гектаргачани ташкил этиши мумкин. Чўл ва сахро минтақасида деҳқон хўжаликлари учун бериладиган суғорилмайдиган ер майдони 1 гектаргача этиши мумкин;

в) жамоа боғдорчилиги ва узумчилигини юритиш ёки жамоа деҳқончилигини юритиш мақсадида вақтинча фойдаланиш учун, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг илтимосномасига биноан туман ҳокими томонидан шаҳарлар ва шаҳарчаларда, шунингдек, қишлоқ аҳоли пунктларида яшовчи, деҳқон хўжалиги юритиш учун томорқа ер участкаларига эга бўлмаган фуқароларга ажратилган ер участкаси;

г) шаҳар ва шаҳарчаларда ҳамда қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалиги корхоналари, муассаса ва ташкилотларининг эгалигидаги ерлар таркибига кирмайдиган қишлоқ аҳоли пунктларида доимий яшовчи Ўзбекистон Республикаси фуқароларига яқка тартибда уй-жой қуриш ва уй-жойларга хизмат кўрсатиш учун мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилишга ҳар бир оилага ажратиб бериладиган 0,06 гектаргача ер участкалари;

д) уй хўжалиги томонидан рухсатсиз ёки норасмий фойдаланилаётган ер участкаси. Уларга, норасмий равишда бошқа шахслардан ижарага олинган ер участкалари ва кўп қаватли уйлар атрофидаги ўраб олинган участкалар киради.

20. D3 саволида, уй хўжалиги фойдаланувида бўлган ер участкасининг умумий майдони ва экин майдонини, келтирилган ўлчов birlikларининг бирида – “сотих” ёки “гектар” ёки “квадрат метр”да кўрсатиш лозим.

21. Уй хўжалиги алоҳида рўйхатга олинган иккита томорқа ер участкасига эга бўлса, у ҳолда D2 саволида 1 хос рақамини, D3 саволида эса, бу икки томорқа ерининг умумий майдонини қўшиб кўрсатиш керак. Экин майдонлари ҳам мос равишда кўрсатилади. Ер участкасининг экин майдони ёки суғориладиган ер майдони, умумий ер майдонидан катта бўлмаслигига эътибор бериш керак.

22. D4 саволида, уй хўжалигида уй ҳайвонларининг мавжудлиги аниқлаштирилади.

4. Уй хўжалигининг умумоилавий даромадлари, тушумлари ва ишлаб чиқариш фаолияти

23. E1 саволида, уй хўжалиги аъзоларининг меҳнат фаолияти билан боғлиқ бўлмаган умумоилавий даромадларнинг ва бошқа тушумларнинг олинishi кўзда тутилади.

24. Бироқ, уй хўжалиги аъзоларидан кимдир яқка тартибдаги тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланса ва бу фаолият ўз мулкани (техника, турар-жой ва шунга ўхшашларни) ижарага бериш билан боғлиқ бўлса, у ҳолда бу тадбиркорликдан олинган даромад мазкур бўлимда эмас, уй хўжалигининг 16 ва ундан катта ёшдаги ҳар бир аъзоси даромадлари тўғрисида гап юритиладиган “Уй хўжалиги аъзоларининг бандлиги ва яқка тартибдаги даромадлари” J бўлимида ҳисобга олинади.

25. E1 саволининг 1-сатрида мамлакат ичида мавсумий ёки бошқа вақтинчалик ишлар бўйича сафарда бўлган оила аъзоларидан беминнат олинган пул суммалари, шунингдек, маҳсулот шаклида, яъни моддий ёрдам сифатидаги тушумларнинг пул миқдори кўрсатилади.

26. E1 саволининг 2-сатрида хорижда мавсумий ёки бошқа вақтинчалик ишлар бўйича сафарда бўлган оила аъзоларидан пул ўтказмалари орқали беминнат олинган пул суммалари кўрсатилади.

27. E1 саволининг 3-сатрида хорижда мавсумий ёки бошқа вақтинчалик ишлар бўйича сафарда бўлган оила аъзоларидан нақд пул кўринишида беминнат олинган пул суммалари кўрсатилади.

28. E1 саволининг 4-сатрида хорижда мавсумий ёки бошқа вақтинчалик ишлар бўйича сафарда бўлган оила аъзоларидан маҳсулот шаклида, яъни моддий ёрдам сифатидаги тушумларнинг пул миқдори кўрсатилади.

29. E1 саволининг 5-сатрида уй хўжалиги аъзоси бўлмаган ва хорижда яшаётган оғайнилар ва қариндошлар, шунингдек бошқа норезидент жисмоний шахслардан пул ўтказмалари орқали беминнат олинган пул суммалари кўрсатилади.

Ўзбекистон Республикасида резидент жисмоний шахс - деганда Ўзбекистон Республикасида доимий яшаб турган ёки яқунланаётган ҳар қандай кетма-кетликдаги ўн икки ойлик давр ичида жами бир юз саксон уч кун ва ундан ортиқ муддат Ўзбекистон Республикасида турган жисмоний шахс тушунилади.

30. E1 саволининг 6-сатрида уй хўжалиги аъзоси бўлмаган ва хорижда яшаётган норезидент жисмоний шахслардан нақд пул кўринишида беминнат олинган пул суммалари кўрсатилади.

31. E1 саволининг 7-сатрида уй хўжалиги аъзоси бўлмаган ва хорижда яшаётган норезидент жисмоний шахслардан маҳсулот шаклида, яъни моддий ёрдам сифатидаги тушумларнинг пул миқдори кўрсатилади.

32. E1 саволининг 8-сатрида уй хўжалиги аъзоси бўлмаган ва бошқа манзилда яшаётган оғайнилар ва қариндошлар, шунингдек бошқа резидент жисмоний шахслардан беминнат олинган пул суммалари, шунингдек, маҳсулот шаклида, яъни моддий ёрдам сифатидаги тушумларнинг пул миқдори кўрсатилади.

33. E1 саволининг 9-сатрида резидент ҳомийлар (корхоналар, ташкилотлар, жамоатчилик жамғармалари ва бошқа юридик шахслар)дан беминнат олинган пул суммалари, шунингдек, маҳсулот шаклида, яъни моддий ёрдам сифатидаги тушумларнинг пул миқдори кўрсатилади.

34. E1 саволининг 10-сатрида норезидент ҳомийлар (корхоналар, ташкилотлар, жамоатчилик жамғармалари ва бошқа юридик шахслар)дан беминнат олинган пул суммалари, шунингдек, маҳсулот шаклида, яъни моддий ёрдам сифатидаги тушумларнинг пул миқдори кўрсатилади.

35. E1 саволида, агар уй хўжалиги томонидан даромад, уй хўжалиги ўзи ишлаб чиқарган маҳсулот ёки хизматларни, бошқа маҳсулот ёки хизматларга айирбошлаш

эвазига натура шаклида олинган бўлса, у ҳолда бу даромад турини жорий бозор нархлари бўйича сўмда баҳолаб кўрсатиш зарур.

36. E1 саволининг 20-21 сатрлари бўйича 3-устунда, маҳсулотларни (товар ёки хизматларни) бевосита сотишдан тушган тушум суммасидан товарлар ёки хизматларни ишлаб чиқариш ва сотиш билан боғлиқ харажатларни айириш орқали ҳисобланган даромадлар ҳажми акс эттирилади. Бунда, фақат ушбу товар ёки хизматларни ишлаб чиқариш ва сотиш билан боғлиқ харажатларни айириш керак.

37. E1 саволининг 26-сатрида уй хўжалигининг кузатув ойи бошлангунга қадар мавжуд пул даромадлари кўрсатилади.

38. E2 саволида, уй хўжалигининг кузатув ойида саноат-ишлаб чиқариш фаолиятини ифодаловчи кўрсаткичлар акс эттирилади.

Уй хўжалигида ишлаб чиқариш деганда, маҳсулотнинг сотиш ёки алмаштириш учун ёки уй хўжалигининг шахсий истеъмоли учун мўлжалланган бошқа бирор-бир маҳсулотга ўзгариш (ишлаб чиқариш ёки қайта ишлаш) жараёни ҳисобланади.

Ушбу савол бўйича сўров ўтказишда қуйидагиларни назарда тутиш керак:

гўшт ва гўшт маҳсулотларини ишлаб чиқариш – мол сўйиш, гўштга (мол, чўчка, қўй, қуён, туя, от ва бошқа ҳайвонлар гўшти) ишлов бериш ва қадоклаш, совутиш ёки музлатишни, қуритилган, тузланган, дудланган гўшт, гўшт маҳсулотларини, сосиска, колбаса, салями, қондан тайёрланган колбаса, сақланган куруқ колбаса, сервелат, дудланган болон колбасалари, паштетлар, сардакли, қиймаланган гўштлар, рулетлар, қайнатилган ветчина, гўшт экстрактлари ва шарбатлар, озиқбоп субмаҳсулотлар (ичак-чавок, каллалар, туёқлар ва шунга ўхшашлар) ишлаб чиқаришни ўз ичига олади;

сут ва сут маҳсулотлари ишлаб чиқариш – сутни ёғсизлантиришни, киздирилган, стерилизация, гомогенизация қилинган ва/ёки бошқа юқори ҳарорат таъсирида қайта ишланган сут асосидаги ичимликлар, сутдан олинган қаймоқлар, куруқ сут ёки шакарли ёки шакарсиз қуюлтирилган сут, қаттиқ шаклдаги сут ёки қаймоқ, сариёғ, йогурт ёки қатик, пишлоқ, творог, зардоб, казеин ёки лактоза ишлаб чиқаришни ўз ичига олади. Бунда, саноатга оид қайта ишлаш амалга оширилмаган хом/ёғи олинмаган сут ушбу тоифага киритилмайди;

балиқ ва балиқ маҳсулотлари ишлаб чиқариш – балиқ маҳсулотларини қайта ишлаш ва консервалаш (музлатиш, юқори ҳароратда музлатиш, қуритиш, қайта ишлаш, дудлаш, тузлаш, зич ёпиладиган идишларга консервалаш ва ҳ.к.), балиқдан маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ўз ичига олади.

5. Имтиёзлар

39. F1 саволи бўйича жавобларни тўлиқ олиш учун уй хўжалигининг 16 ва ундан юқори ёшда бўлган барча аъзоларини жалб этиш керак.

40. Имтиёзлар, одатда, давлат ёки иш берувчи томонидан берилади.

Давлат томонидан бериладиган имтиёзлар – шаҳар жамоат транспортида алоҳида шахслар учун йўл ҳақининг қисман ёки тўла қопланиши, кўп болали оилаларга мактабгача болалар муассасаларига тўлов имтиёзларининг берилиши ва қонунчиликда белгиланган бошқа имтиёзлар.

Иш берувчи томонидан бериладиган имтиёзлар – маҳсулот ёки хизмат турининг тўловидан (дам олиш уйлари, болалар оромгоҳларига йўлланмаларнинг имтиёзли нархларда берилиши, болалар боғчаси ва яслисига тўловдан қисман озод қилиш, арзон нархларда тушлик бериш, идорага қарашли даволаш муассасаларида бепул тиббий хизмат кўрсатиш ва ҳ.к) тўлиқ ёки қисман озод қилиш.

41. F1 саволининг 3-устунида, олинган имтиёзли товарлар ва хизматлар учун кузатув ойи давомида ҳақиқатда амалга оширилган харажатларни аниқлаш керак, бунда уларнинг қайси давр учун тўлангани муҳим эмас.

Асосий шарт: 3- ва 5-устунларни ҳисоб-китоб қилишда, гап айнан битта вақт оралиғи ҳақида бориши керак. Агар 3-устунда, ҳақиқатда тўланган сумма аниқ бир давр учун кўрсатилган бўлса, у ҳолда 5-устунда, тежалган суммани ҳам ўша давр учун ёзиш керак.

6. Ноистеъмол характердаги харажатлар ва тўловлар

42. G1 саволидаги рўйхатда кўрсатилган ноистеъмол характердаги харажатлар ва тўловлар, нақд пул ва пластик карточка орқали бевосита уй хўжалиғи аъзолари томонидан, шунингдек, иш ҳақидан ушлаб қолиш йўли билан (иш жойининг бухгалтериясидан) амалга оширилиши мумкин.

Агар бирор-бир тўловлар, улар учун қариндошлар ёки уй хўжалиғи аъзолари бўлмаган бошқа шахслар томонидан тўланган бўлса, у ҳолда бу тўловлар ҳам ушбу саволда кўрсатилиши керак. Шунингдек, бу турдаги тўловларни моддий ёрдам сифатида “Уй хўжалигининг умумоилавий даромадлари ва ишлаб чиқариш фаолияти” Е бўлимининг мос равишда 5, 6, 7, 8-сатрларида кўрсатилиши лозим.

43. G1 саволининг 1-сатрида, турар-жой ва нотурар-жойга хос бўлган кўчмас мулк, ер участкаси ёки бошқа қандайдир иморат (бино, хона)ларни сотиб олиш билан боғлиқ харажатлар кўрсатилади.

44. 2-сатрда, шахсий фойдаланиш учун олинган транспорт воситаларидан (енгил автомобиллар, мотоцикллар, мопедлар, велосипедлар ва ҳ.к.) ташқари барча турдаги транспорт воситаларини сотиб олиш билан боғлиқ харажатлар кўрсатилади. Бунда, агарда енгил автомобил ёки бошқа шахсий фойдаланиладиган транспорт воситаси Кундалик юритиш даврида сотиб олинган бўлса, ушбу харажатлар Кунлик харажатларни ҳисобга олиш кундалигининг 2-бўлимида кўрсатилади.

45. Йирик шохли қорамоллар, отлар, туялар, эшаклар, чўчқалар, қўйлар, эчкилар, қуёнлар ва бошқа ҳайвонлар сотиб олиш учун харажатлар 3-сатрда, улар учун озуқа сотиб олишга қилинган харажатлар мос равишда 4-сатрда кўрсатилади.

46. 5-сатрда, уй хўжалиғи томонидан фақат қайта сотиш ёки бошқа тижорат фаолияти мақсадида озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат маҳсулотлари сотиб олишга қилинган харажатлар кўрсатилади. Агар, уй хўжалиғи ҳам шахсий истеъмоли учун, ҳам сотиш учун маҳсулот (товар) сотиб олган бўлса, у ҳолда фақат тижорат мақсадида фойдаланиладиган қисми кўрсатилади ҳолос. Бунда, агар бу харажатлар уй хўжалиғи томонидан Кунлик харажатларни ҳисобга олиш кундалигини юритиш даврида амалга оширилган бўлса,

информант маҳсулотнинг шахсий истеъмол учун мўлжалланган қисмини Кундаликнинг 2-бўлимида кўрсатишига интервьюер эътибор бериши керак.

47. Уй хўжаликларининг қариндошлар ва дўстлар (уй хўжалиги аъзоси бўлмаган) учун беминнат ёрдам асосида кўрсатилган моддий ёрдамларга (совғаларни қўшган ҳолда) қилган харажатлари 9-10-сатрларда кўрсатилади, бунда, улар ҳам пул кўринишида, ҳам натура шаклида етказиб берилиши мумкин.

48. Ер солиғи (16-сатр) ва ер учун ижара тўловини (15-сатр) чалкаштирмаслик керак. Ер солиғи давлатга, ер учун ижара тўлови эса – ер эгасига тўланади.

7. Узоқ муддат фойдаланиладиган буюмлар

49. №1 саволида, уй хўжалигида узоқ муддат фойдаланиладиган буюмларнинг мавжудлиги тўғрисида маълумотлар қайд этилади. Сотиб олинганлиги, бевосита уй хўжалиги аъзолари томонидан тайёрланганлиги ёки совға тариқасида олинганлигидан қатъий назар, кузатув ўтказиш давомида уй хўжалигида мавжуд бўлган буюмлар сони кўрсатилади. Шунингдек, уй хўжалиги томонидан қариндошлар ва танишларга вақтинча фойдаланиш учун берилган буюмлар ҳам кўрсатилади.

Бунда, 4-устун бўйича, яроқлилигидан қатъий назар узоқ муддат фойдаланиладиган буюмларнинг умумий сони кўрсатилади, 5-устунда эса фақат яроқли ҳолатда бўлган буюмларнинг сони кўрсатилади.

50. Уй хўжалигида транспорт воситалари, смартфонлар, уяли алоқа ва уй телефонлари мавжудлиги аниқланганда, Кунлик харажатларни ҳисобга олиш кундалигини тўлдириш даврида, ёқилғи ва эҳтиёт қисмларини (транспорт воситалари учун) харид қилишга бўлган харажатларнинг, алоқа (смартфонлар, уяли алоқа ва уй телефони) хизматларига бўлган харажатларнинг, шунингдек, уларнинг фаолият кўрсатиши билан боғлиқ бошқа харажатларнинг акс эттирилишига эътибор бериш керак, чунки ушбу харажатлар такрорланиш хусусиятига эга бўлади.

8. Уй хўжалиги аъзоларининг бандлиги ва якка тартибдаги даромадлари

51. “Уй хўжалиги аъзоларининг бандлиги ва якка тартибдаги даромадлари” J бўлими бўйича сўров, уй хўжалигининг 16 ёш ва ундан катта барча аъзолари билан ўтказилади. Сўров ўтказишга мансуб бўлган шахсларни, ушбу саволноманинг уй хўжалиги аъзолари ва уларнинг ёшлари кўрсатилган 1-жадвалидан кўчириб ёзиб олинади.

52. J бўлими бўйича сўров, уй хўжалиги аъзосининг фақат ўзи билан ўтказилиши керак. Алоҳида ҳолларда, агар респондент интервью саволларига жавоб бера олмаса (касал, жуда қари ва шунга ўхшаш), у ҳолда унинг ўрнига уй хўжалигининг бошқа аъзоси жавоб бериши мумкин. Бунда, интервьюер “Интервьюер қайдлари” бўлимида бу ҳолатнинг юзага келиш сабабини кўрсатиши керак.

53. J1 саволида 1-7 устунлар бўйича, мазкур саволноманинг 1-жадвалидан уй хўжалигининг 16 ёш ва ундан катта барча аъзолари тартиб рақами кўчириб олинади.

54. J бўлими бўйича ўтказилган интервьюлар сони, 1-жадвалда кўрсатилган уй хўжалигининг 16 ёш ва ундан катта аъзолари сонига тенг бўлиши керак.

55. Агар уй хўжалиги аъзоларидан бирортаси узоқ вақт давомида уйда бўлмаса, ушбу уй хўжалиги аъзоси бўйича J2 саволида “2” рақами қўйилади, кейин эса J3 саволида

йўқлигининг сабаби кўрсатилиб, ушбу аъзоси бўйича мазкур бўлимда сўров тугатилади. Агар J3 саволида уй хўжалиги аъзоси мамлакат ташқарисида ишлашга кетган бўлса, қанча муддатга кетганлиги ҳам кўрсатиб ўтилиши лозим.

56. J4 саволида, уй хўжалигининг 16 ёш ва ундан катта аъзоларининг ижтимоий мавқеи аниқланади. Ушбу саволда, уй хўжалигининг ҳар бир аъзоси бўйича битта мос жавоб варианти танланади. Бунда, агар уй хўжалигининг қайсидир бир аъзоси ўқувчи (талаба), пенсионер ёки ижтимоий нафақа олувчи бўлиб, бир вақтнинг ўзида ёлланиб ёки мустақил равишда ишловчи бўлса, у ҳолда уни ижтимоий мавқеи бўйича ишловчига (бандга) киритмаслик керак.

Агарда респондент J4 саволида ўзини “талаба/ўқувчи” тоифасига малсуб эканлигини билдирса, бунда кузатув ўтказиш вақтида таълим муассасаларига қатнаётганлигини аниқлаштирувчи 1-жадвалнинг 7-устунида келтирилган маълумотларга мос келишини текшириш керак.

57. J5 саволида, кузатув ойида ҳақиқатда олинган пенсиялар, нафақалар, стипендиялар, алиментлар ва бошқа ижтимоий тўловлар каби ижтимоий трансфертлар кўрсатилади.

Респондент, масалан, қандайдир турдаги ижтимоий трансферт олиши, лекин кузатув ойида унга тўланмаган бўлиши мумкин, бундай ҳолатда, ушбу саволдаги масала ҳақиқатда олинган ижтимоий трансфертлар ҳақида бўлганлиги сабабли, J5 саволида сумма кўрсатилмайди.

58. J6 саволи, ёлланма ходим сифатида ишловчи шахсларни аниқлайди. Бунда, ёлланма ходим деб, иш бажариш ва хизмат кўрсатиш хусусиятига эга тузилган меҳнат шартномаси ёки фуқаролик-ҳукукий асосдаги шартнома бўйича кузатув ойининг охиригигача куни давомида бир ва ундан ортиқ соат ишлаган шахслар ҳисобланади. Бунда, респондентнинг меҳнат дафтарчасида бу иш тўғрисида ёзувлар мавжуд ёки мавжуд эмаслиги муҳим эмас.

59. J7 саволида, меҳнатга ҳақ тўлаш, яъни иш ҳақи, мукофотлар, таътил пуллари, харажатлар ўрнини қоплаш учун тўловлар ва меҳнатга ҳақ тўлашнинг яширин қисмини (яъни, иш берувчининг бирламчи ва бухгалтерия ҳисоботларида акс эттирилмаган тўловлари) қўшган ҳолда меҳнатга ҳақ тўлаш туридаги бошқа тўловлар сифатида ҳақиқатда (қўлга “соф” олинган) олинган даромадлар назарда тутилган. Қўлга “соф” олинган, меҳнат ҳақи кўринишидаги даромадлар – бу солиқлар ва ижтимоий тўловлар (ушлаб қолинган сумма) чиқариб ташлангандан сўнг қўлга берилган сумма.

Агар кузатув ойида, респондент ёлланма ходим сифатида биттадан ортиқ иш жойида ишлаган бўлса, у ҳолда меҳнат ҳақи тарзида ҳақиқатда олинган барча даромадлар суммасини J7 саволида кўрсатилиши керак.

60. Меҳнат ҳақи кўринишида олинган даромадлар, пул ёки натура (товар ёки хизмат) шаклида бўлиши мумкин. Агар даромад натура шаклида олинган бўлса, у ҳолда бу турдаги даромадни ҳозирги бозор нархларида, сўмда баҳолаш керак.

61. J8 саволи, респондент томонидан меҳнат (касбий) фаолиятини амалга оширишда қўшимча равишда ишлаб топадиган меҳнат ҳақи (яъни, иш берувчининг бирламчи ва бухгалтерия ҳисоботларида акс эттирилмайдиган тўловлари) мавжудлигини аниқлаш учун мўлжалланган.

62. J9 саволида, меҳнат ҳақи тарзида олинган даромадларнинг (J7 саволи) умумий суммасидан қўшимча равишда топилган меҳнат ҳақи қисмини аниқлаш ва J7 саволида кўрсатилган меҳнат ҳақи тарзида олинган умумий даромадлар суммасига нисбатан фоизини кўрсатиш зарур.

63. J10 саволи, кузатув ойининг охири етти куни давомида, бир ва ундан ортиқ соат вақт ўзи учун ёки уй хўжалигининг ёрдамчи аъзоси сифатида ишлаган, яъни мустақил равишда ташкил этилган меҳнат жараёнига жалб қилинган шахсларни аниқлайди.

64. J11 саволида, кузатув ойида ҳақиқатда мустақил равишда банд бўлиб олинган даромадлар суммаси, яъни товарлар ва хизматларни ишлаб чиқаришдан (сотишдан) олинган (шахсий истеъмол учун сарфланган қисми ҳам даромаднинг бир қисми сифатида қаралади) даромадлар кўрсатилади.

65. Бунда, меҳнат ҳақи тарзида олинган даромадлар мустақил равишда банд бўлиб олинган даромадлардан фарқланишини, яъни биринчи турдаги даромадлар ёлланиб ишлаганлик учун иш берувчи томонидан тўланишини, мустақил равишда банд бўлиб олинган даромадлар эса мустақил фаолият юритиш натижасида олинанишини инобатга олиш керак. J11 саволида, мустақил равишда банд бўлиб олинган даромадлар, ишлаб чиқаришга қилинган харажатлар, солиқлар ва мажбурий тўловларни чиқариб ташлаган ҳолда кўрсатилиши керак. Ушбу даромад туридан тўланган солиқлар J12 саволида кўрсатилади.

66. Агар қандайдир даромад (меҳнат ҳақи тарзидаги ёки мустақил равишда банд бўлиб олинган даромад) тўлиқ ёки қисман хорижий валютада олинган бўлса, у ҳолда уни расмий курс бўйича ҳисоблаб, сўмда акс эттириш керак.

67. J13 саволида, респондент ўзининг ёлланма ёки мустақил равишда ишини мансуб деб билган иқтисодий фаолият турини кўрсатиши керак. Респондентда биттадан ортиқ иш мавжуд бўлган тақдирда, иқтисодий фаолият турини аниқлаш учун асосий иш сифатида у қайси ишда кўпроқ вақт сарфласа, шунини кўрсатиш керак.

68. J14 саволида уй хўжалиги аъзоларининг асосий бандлик (касб) тури кўрсатилади. Ушбу саволда, оддий касб эгалари деганда махсус ихтисослик талаб қилинмайдиган касбда фаолият юритаётган шахслар тушунилади (фаррошлар, юк ташувчилар ва б.).

9. Муқобил энергия манбаларининг мавжудлиги

69. К бўлими “Муқобил энергия манбаларининг мавжудлиги” бўйича сўров уй хўжаликларида муқобил энергия манбаларининг мавжудлиги ва фойдаланилишини аниқлаш мақсадида ўтказилади.

Бунда, муқобил энергия манбалари қуйидаги турларга ажратилади:

дизел генератор қурилмаси - бир ёки бир неча электр генераторлари билан жиҳозланган ички ёнувчи дизел двигателли энергетик қурилма;

куёш батареялари – куёш энергиясини тўғридан-тўғри доимий электр токига айлантириб берувчи, бир неча бирлашган фотоэлектрик ўзгартгичлар (фотоэлементлар) - ярим ўтказгич қурилмалар;

куёшда ишлайдиган коллектор қурилмалари – кўзга кўринадиган нур ва яқин инфрақизил нурланиш ёрдамида узатиловчи қуёшнинг иссиқлик энергиясини йиғиш учун мўлжалланган қурилмалар (гелиоқурилмалар). Электр энергиясини ишлаб чиқарувчи қуёш батареяларидан фарқли ўлароқ, қуёш коллектори иссиқликни ўзида сақловчи материалларни иситишни амалга оширади;

стационар иситиш тизими – туман марказий иситиш манбаларига уланмаган, алоҳида уйларда ўрнатилган, ажратилган иситиш тизими;

биогаз қурилмаси – органик чиқиндиларни қайта ишлаш натижасида биогаз ва органик ўғитларга айлантирувчи қурилма.

70. Уй хўжалигида муқобил электроэнергия манбаи мавжуд бўлган тақдирда К1 саволига мос келувчи жавоб вариантларидан биттаси танланади ва кўрсатилади. Бунда, шунингдек, фойдаланиладиган қурилманинг қуввати кВт/соатда (К2 саволи) ва бир суткада ўртача ишлаган соатлари сони кўрсатилади (К3 саволи).

Уй хўжалигида муқобил электроэнергия манбаси мавжуд бўлмаган тақдирда (К1 саволи) К2 ва К3 саволлари берилмайди.

71. К4 саволида уй хўжалигида сувни иситиш учун фойдаланиладиган қуёшда ишлайдиган коллектор қурилмаси мавжудлиги кўрсатилади, қуёшда ишлайдиган коллектор қурилмаси мавжудлиги аниқланган тақдирда мос равишда бир суткада ишлаган соатлар сони (К5 саволи) ва қуввати кВт/соатда (К6 саволи) кўрсатилади.

72. К7 саволида уй хўжалигида умумий иситиш тизимига уланмаган стационар иситиш тизими мавжудлиги кўрсатилса, ушбу қурилма учун фойданилган кўмир ёки кўмир брикети (К8 саволида) ҳам кўрсатилади.

73. К9 саволида уй хўжалигида биогаз қурилмаси мавжудлиги кўрсатилади, биогаз қурилмаси мавжудлиги аниқланган тақдирда бир суткада ишлаган соатлар сони (К10 саволида), бир суткада ишлаб чиқарилган биогаз миқдори куб.метрда (К11 саволида) ва электроэнергия ишлаб чиқариш қуввати кВтда кўрсатилади.

10. Уй хўжалигида АКТ воситаларидан фойдаланиш имконияти мавжудлиги

74. L бўлими Уй хўжалигида Интернетдан фойдаланиш имкониятининг мавжудлиги, Интернетга уланиш турлари, Интернетга уланиш имконияти мавжуд эмаслигининг сабаблари ва телерадиокўрсатувларни қабул қилиш турларини аниқлаш учун мўлжалланган.

75. L1 саволида уй хўжалигида қандай қурилмадан (нафақат компьютер, балки мобил телефон, планшет компьютер, ўйинлар учун қурилма, рақамли телевизор ва ҳоказолардан) фойдаланиб амалга оширишдан қатъий назар, бир қатор алоқа хизматларига уланиш имкониятини берадиган Интернет тармоғига уланиш, шунингдек, электрон почта, янгиликлар, кўнгилочар ахборотлар ва файлларни (маълумотларни) жўнатиш имконияти мавжудлиги кўрсатилади. Интернетга уланиш сим орқали, симсиз, сунъий йўлдош ёки мобил алоқа ёрдамида амалга оширилиши мумкин.

Бунда, Интернетдан уй хўжалигининг барча аъзолари исталган вақтда фойдалана олса, уй хўжалигида Интернетга уланиш имконияти мавжуд ҳисобланади, унда Интернетдан ҳақиқатда фойланилиши муҳим эмас.

76. Уй хўжалигида Интернетга уланиш имконияти мавжуд бўлса, Интернетга уланиш учун қайси хизмат туридан фойдаланилиши L2 саволда келтирилган жавоб вариантларидан мос жавоб варианты танланган ҳолда кўрсатилади.

L2 саволнинг жавоб вариантларида қуйидаги хизмат турлари келтирилган:

қайд қилинган (симли) тор йўлакли тармоқ – аналог модем ёрдамида боғланиш стандарт телефон линиясидан оддий телефон линиясини рақамли линияга айлантирадиган интеграция хизмати рақамли тармоғидан фойдаланиб, Интернетга кириш, шунингдек, 256 кбит/сдан кам бўлмаган тезликда уланишнинг бошқа турлари;

қайд қилинган (симли) кенг йўлакли тармоқ – рақамли абонент линияси, кабель модем, юқори тезликдаги ажратилган линиялар, яшаш жойи/биногача борган толали линия, электроузатиш линиялари ва бошқа қайд қилинган (симли) кенг йўлакли алоқа линиялари каби технологиялар ёрдамида 256 кбит/с дан кам бўлмаган тезликда Интернетга уланиш;

қайд қилинган ер усти (симсиз) кенг йўлакли тармоқ – тезлиги 256 кбит/с дан кам бўлмаган WiFi, WiMAX ва шу каби симсиз технологиялар ёрдамида Интернетга уланиш. Ўз навбатида, WiFi- бу қурилмалар ўртасида маълумотларни қисқа масофага симсиз узатиш технологияси, WiMAX эса маълумотларни қурилмаларнинг кенг спектри (иш станциялари ва портатив компьютерлардан мобил телефонгача) учун узоқ масофаларга симсиз узатувчи алоқа технологиясидир.

сунъий йўлдошли кенг йўлакли тармоқ (сунъий йўлдош алоқаси орқали) – сунъий йўлдош канали орқали 256 кбит/с дан кам бўлмаган тезликда Интернетга уланиш;

портатив қурилмадан фойдаланиладиган кенг йўлакли мобил тармоқ – портатив қурилма (ноутбук, нетбук, планшет, чўнтак компютери ва ш.ў.) ёки мобил телефон ёрдамида мобил алоқа тармоғи орқали (камида 3G) Интернетга уланиш;

компьютерга мослаштирилган SIM-карта ёки USB модемдан фойдаланиладиган кенг йўлакли мобил тармоқ – карта (масалан, компьютерга мослаштирилган SIM-карта) ёки USB модем ёрдамида мобил алоқа (камида 3G) тармоғи орқали Интернетга уланиш.

Айрим уй хўжаликларида бир вақтнинг ўзида тор йўлакли, кенг йўлакли, қайд қилинган ёки ҳаракатланувчи каби алоқа турларидан фойдаланилиши мумкин, шунинг учун уланиш имкониятларининг барча турларини кўрсатиш тавсия этилади, яъни биттадан ортиқ жавоб вариантини танлаш мумкин.

77. Уй хўжалигида Интернетга уланиш имконияти мавжуд бўлмаса, L3 саволида келтирилган вариантлардан Интернетга уланиш имконияти мавжуд эмаслигининг сабаби кўрсатилади. L3 саволга жавоб олиш учун интервьюер барча жавоб вариантларини ўқиб эшиттириши лозим, чунки уй хўжалигида Интернетга уланиш имконияти мавжуд эмаслигининг бир қанча сабаблари бўлиши мумкин.

78. L4 саволида Уй хўжалигида телерадио кўрсатувларни қабул қилиш турлари кўрсатилади.

L4 саволида уй хўжалигида уланишнинг қуйидаги турлари келтирилган:

кабел телевидениеси (КТВ) – телеприёмникда томоша қилиш учун коаксиал кабел орқали тақдим этиладиган кўп каналли телевидение дастурлари. Кабел телевидениесида телесигнал истеъмолчига ўтказилган кабел орқали юқори частотали сигнал ёрдамида узатилади;

сунъий йўлдош телевидениеси (DTH) – сунъий йўлдош антеннаси ёрдамида олинадиган сунъий йўлдошли телевизион кўрсатувларни қабул қилишга мўлжалланган хизматлар. Сунъий йўлдош телевидениеси технологияси сунъий йўлдошли тюнер билан жиҳозланган телеприёмникда телевизион дастурларни бевосита қабул қилишга мўлжалланган;

Интернет-протокол телевидениеси (IPTV) – хизмат сифати, қабул қилиш сифати, хавфсизлик, интерактивлик ва ишончлилик талабларига жавоб берадиган, теледастурлар/видео/аудио/матн/график/маълумотларни тармоқдан IP протоколи асосида етказиб бериш каби мултимедиа хизматлари. IPTV технологияси телевизион канални Интернет орқали самарали қабул қилиш имконини беради. Шунингдек, IPTV хизматлари, одатда, шахсий компьютерда эмас, телеприёмникда томоша қилиш учун мўлжалланган;

рақамли ер усти телевидение (DTT) - бу аналогли ер усти телевидениенинг технологик эволюцияси бўлиб, аналогли телевидениега нисбатан кўпроқ каналларни кўрсатиш имкониятини беради. Рақамли ер усти телевидение технологияси видеосигнал ва овоз сигналларини шифрлаш ёрдамида телевизион тасвир ва овозларни рақамли каналлар орқали узатишни ўз ичига олади.

11. АКТ воситаларидан фойдаланиш имкониятининг мавжудлиги ва уй хўжалиги аъзоларининг АКТ воситаларидан фойдаланиш кўлами

79. М бўлими уй хўжалигининг 10 ёш ва ундан катта аъзоларининг АКТ воситалари, хусусан, мобил телефонлар билан, компьютерлар билан, фойдаланиш жойи ва фойдаланиш мақсади ва шунга ўхшашларни ҳисобга олган ҳолда Интернет билан таъминланганлиги ва фойдаланиш кўламини аниқлаш учун мўлжалланган.

80. М “АКТ воситаларидан фойдаланиш имкониятининг мавжудлиги ва уй хўжалиги аъзоларининг АКТ воситаларидан фойдаланиш кўлами” бўлими бўйича сўров уй хўжалигининг 10 ёш ва ундан катта барча аъзолари билан ўтказилади. Сўровда қатнашувчи шахслар ушбу саволноманинг уй хўжалиги аъзолари ва уларнинг ёши кўрсатилган 1-жадвалдан кўчириб ёзилади.

Бунда ушбу бўлим бўйича сўров уй хўжалиги аъзосининг фақат ўзи билан ўтказилиши керак. Алоҳида ҳолларда, агар респондент интервью саволларига жавоб бера олмаса (касал, жуда қари ва шунга ўхшаш), у ҳолда унинг ўрнига уй хўжалигининг бошқа аъзоси жавоб бериши мумкин. Бунда, интервьюер “Интервьюер қайдлари” бўлимида бу ҳолатнинг юзага келиш сабабини кўрсатиши керак.

81. М1 саволининг 1-12 устунларига ушбу саволноманинг 1 жадвалида келтирилган уй хўжалигининг 10 ёш ва унда катта аъзолари тартиб рақамлари кўчириб ёзилади.

82. М бўлими бўйича ўтказилган интервьюлар сони 1-жадвалда кўрсатилган уй хўжалигининг 10 ёш ва ундан катта аъзолари сонига тенг бўлиши керак.

83. М2 саволида уй хўжалиги аъзоларининг охириги 3 ой давомида мобил (уяли алоқа) телефондан фойдаланганлиги аниқланади. Бу саволда мобил (уяли алоқа) телефон уй хўжалиги аъзоларидан бирига тегишлилиги ёки улардан бири томонидан мобил (уяли алоқа) хизматга пул тўланганлиги муҳим эмас. Чунки мобил (уяли алоқа) телефони иш жойидан, қариндошлардан, дўстлар ва ш.ў. томонидан фойдаланиш учун берилган бўлиши мумкин. Бунга онда-сонда фойдаланиш, масалан, мобил (уяли алоқа) телефонини бир марта кўнғироқ қилиш учун олиш қилмайди.

84. М3 саволида шахсий мобил (уяли алоқа) телефони мавжудлиги кўрсатилади. Шахсий мақсадларда фойдаланиш учун камида битта фаол SIM-картаси бўлган мобил (уяли алоқа) қурилмаси мавжуд бўлса, ушбу шахс мобил (уяли алоқа) телефонига эга ҳисобланади.

Бунга шунингдек, шахсий мақсадларда фойдаланиш (шахсий кўнғироқларни амалга ошириш, Интернетга уланиш ва ҳ.к.) учун иш берувчи томонидан берилган мобил (уяли алоқа) телефони, шунингдек, шахсий фойдалануви учун мўлжалланган, аммо телефон ўз номига расмийлаштирилмаган, (масалан, мобил (уяли алоқа) телефон ушбу уй хўжалигининг бир аъзоси томонидан бошқа бир аъзосига берилган) шахслар ҳам киритилади. Фақат фаол SIM-карта(лар)га эга бўлган, аммо мобил (уяли алоқа) телефон аппарати мавжуд бўлмаган шахслар киритилмайди.

М3 саволига жавоб олинганда интервьюер уй хўжалигининг мобил (уяли алоқа) телефони мавжуд аъзолари сонининг Н1 саволининг 21-22 қаторларида келтирилган мобил (уяли алоқа) телефонлари умумий сонига мослигига эътибор қаратиши лозим.

85. М4 саволи охириги 3 ой давомида исталган жойда компьютердан фойдаланган шахсларни аниқлаш учун мўлжалланган. Ушбу ҳолатда компьютер деганда столга қўйиладиган компьютер, кўчма компьютер (ноутбук, нетбук), планшет ёки шунга ўхшаш портатив (чўнтак) компютери тушунилади. Бу ерга компьютер имкониятлари мавжуд бўлган айрим қурилмалар персонал (шахсий) рақамли ассистентлар (PDA), интеллектуал ТВ приёмниклар, шунингдек, асосий вазифаси телефон алоқасини амалга ошириш бўлган қурилмалар киритилмайди.

86. М4 саволига «Ҳа» жавоби олинганда, М5 саволида сўров ўтказилаётган оила аъзосининг қандай турдаги компьютердан фойдаланганлиги аниқланади.

М5 саволининг жавоб вариантларида компьютернинг қуйидаги турлари келтирилган:

столга қўйиладиган компьютер – одатда, бир жойда стационар ҳолда турадиган ва фойдаланувчи компьютер олдида, клавиатура ёнига бориб жойлашадиган компьютер;

кўчма компьютер – ўлчамли кўчириб юриш имконини берадиган ва одатда, столга қўйиладиган компьютер вазифасини бажара оладиган компьютер. Бундай компьютерларга ноутбук ва нетбуклар киради, аммо планшет ёки шунга ўхшаш портатив компьютерлар ушбу тоифага киритилмайди;

планшет ёки шунга ўхшаш портатив (чўнтакда олиб юриладиган) компьютер – бу ясси сенсор экран ўрнатилган ва физик клавиатура ёрдамида эмас, экранга тегиш орқали бошқариладиган компьютер.

87. Респондент M4 саволида охирги 3 ой давомида компьютердан фойдаланмаганлигини кўрсатса, уй хўжалигининг ушбу аъзоси учун M5 ва M6 саволлари берилмайди (ўтказиб юборилади).

88. M6 саволи уй хўжалиги аъзоларининг компьютерга оид малакага эга эканлигини аниқлаш учун берилади. Ушбу саволга жавоб олишда интервьюердан респондент диққатини бир жойга тўплашга ва барча жавоб вариантлари билан танишиб чиқишига эътибор қаратиши лозим, чунки респондент компьютердан фойдаланиш бўйича бир қанча кўникмага эга бўлган, аммо охирги 3 ой давомида амалга оширилган ҳаракатларни ёддан чиқарган бўлиши мумкин.

Шуни қайд этиш лозимки, M6 саволда биттадан ортиқ жавоб вариантини танлаш имконияти назарда тутилгани туфайли жавоб вариантлари респондент амалга ошириши мумкин бўлган энг оддий ҳаракатлардан бошлаб мураккаб ҳаракатларгача келтирилган.

89. M7 саволида уй хўжалиги аъзолари охирги 3 ой давомида ҳақиқатда Интернетдан фойдаланганлиги аниқланади. Бунда мазкур савол бўйича уланиш фақат компьютер орқали эмас, шунингдек, мобил (уяли алоқа) телефон, планшет компьютер, персонал (шахсий) рақамли ассистент (PDA), ўйин консоллари, рақамли ТВ приёмник ва ш.к. ёрдамида ҳам уланиш мумкинлиги назарда тутилади.

90. Респондент M7 саволида охирги 3 ой давомида Интернетдан фойдаланмаганлигини кўрсатса, M8 саволида фойдаланмаганлик сабаби кўрсатилади ва уй хўжалигининг ушбу аъзоси бўйича сўров якунланади.

91. M9 саволи уй хўжалиги аъзоларининг охирги 3 ой давомида Интернетдан фойдаланиш жойларини аниқлашга мўлжалланган, ўз навбатида, Интернетдан уйда, шунингдек, бошқа жойларда (ишда, ўқув юртида, бошқа бир шахснинг уйида, Интернетга уланиш имконияти мавжуд бўлган жамоат жойида, тижорат марказларида, ҳаракатланиш ёки ҳаракатда ва шу каби бошқа жойларда) фойдаланилган бўлиши мумкин.

Бунда, респондент охирги 3 ой давомида Интернетдан бир нечта жойда фойдаланган бўлса, барча фойдаланиш жойлари кўрсатилиши лозим, чунки ушбу саволда биттадан ортиқ жавоб вариантини танлаш мумкин.

92. M10 саволида охирги 3 ой давомида исталган жойда Интернетдан фойдаланган уй хўжалиги аъзоларининг фойдаланиш даражаси аниқланади. Фойдаланиш даражаси кунлик (Интернетдан кунига бир ва ундан ортиқ марта фойдаланувчилар учун), ҳафтада камида бир марта, лекин ҳар куни эмас ёки ҳафтасига бир марта бўлиши мумкин.

93. Уйдан ва ишдан ташқарида Интернетдан фойдаланувчилар аниқланганда. (M9 саволга мувофиқ), M11 саволда Интернетга уланиш учун фойдаланилган мобил қурилма тури кўрсатиб ўтилиши лозим, яъни бу мобил (уяли алоқа) телефон, смартфон, ноутбук/нетбук, планшет компьютер ва шу каби қурилма бўлиши мумкин.

Бунда Интернетга уланиш имкониятини берувчи алоқа воситаси турини тўғри фарқлай олиш ва кўрсатиш лозим, чунки юқорида келтириб ўтилган барча мобил қурилмалар Интернетга уланиш имкониятини мобил (уяли алоқа) тармоғи ёки бошқа симсиз тармоқлар (масалан, WiFi ва WiMAX) орқали олиши мумкин.

94. M12 савол уй хўжалиги аъзоларининг охирги 3 ой давомида исталган жойдан Интернетдан фойдаланиш мақсадини аниқлаш учун мўлжалланган. Бунда интервьюер

барча жавоб вариантларини ўқиб эшиттириши лозим, чунки респондент охириги 3 ой давомида Интернетдан турли мақсадларда фойдаланган бўлиши мумкин.

95. Агар уй хўжалиги аъзоси M12 саволида Интернетдан товарлар ёки хизматларга буюртма бериш ёки харид қилиш учун фойдаланган бўлса, M13 саволида харид қилинган товар ва хизматлар, тўловни амалга ошириш турлари, етказиб бериш усулларини ҳам кўрсатиб ўтиши лозим.

12. Уй хўжалиги аъзоларининг моддий ва ижтимоий ҳолатларидан қониқишларини баҳолаш (депривация)

96. N бўлими уй хўжалиги аъзоларининг моддий ва ижтимоий ҳолатларидан қониқишларини баҳолаш (депривация) ҳамда кўп қиррали камбағалликни аниқлаш учун мўлжалланган.

97. N1 саволида уй хўжалигида охириги 12 ой мобайнида аренда ёки ипотека тўловлари, коммунал тўловлар, кредит бўйича фоизларни ва қарз тўлаш билан боғлиқ қийинчиликларга дуч келганлиги аниқланади.

98. N2 саволида уй хўжалигининг зарурат пайдо бўлганда эски мебелларини алмаштириш имкониятининг мавжудлиги аниқланади.

99. N3 саволида уй хўжалигининг ҳар икки кунда балиқли ёки гўшти ёки товукли иссиқ таомларни ёки шунга тенг қийматга эга бўлган вегетариан таомларни (ловия, ясмик, нўхат ва ш.к.) истеъмол қила олиш имконияти аниқланади.

100. N4 саволида уй хўжалигининг ўз имкониятларидан келиб чиққан ҳолда уй хўжалигида кўзда тутилмаган харажатлар (тўсатдан) вужудга келганда уй хўжалиги аъзоси бўлмаган бошқа жисмоний ёки юридик шахслардан қарз ёки шу каби бошқа молиявий ёрдам олмасдан қоплай олиш қобилиятининг мавжудлиги аниқланади.

101. N5 саволида уй хўжалигининг барча аъзолари билан бирга йилда бир марта ҳафталик таътилни уйдан ташқарида (табиат қўйнида, турли дам олиш масканларида, меҳмонхоналар ёки бошқа шу каби жойларда) ўтказа олиш имкониятлари аниқланади.

102. N6 саволида исталган уй хўжалиги аъзоларининг уйдан ташқарида дўстлар/қариндошлар билан учрашиш ёки уларни меҳмонга таклиф этиш имконияти мавжудлиги аниқланади.

103. N7 саволида уй хўжалигида мактабгача таълим муассасасига қатнамайдиган мактабгача ёшдаги болаларнинг бор ёки йўқлиги тўғрисида маълумот сўралади, агар ушбу саволга “ҳа” деб жавоб берилса, N8 саволида келтирилган мос жавоб вариантлари орқали қатнамаслик сабаби аниқланади.

104. N9 саволида уй хўжалигида мактабга қатнамайдиган мактаб ёшидаги болаларнинг бор ёки йўқлиги тўғрисида маълумот сўралади, агар ушбу саволга “ҳа” деб жавоб берилса, N10 саволида келтирилган мос жавоб вариантлари орқали қатнамаслик сабаби аниқланади.

105. Интервьюер N7 ва N9 саволларга берилган жавоблар саволноманинг B бўлимининг 1-жадвали билан мос келишига аҳамият қаратиши лозим (N7 ва ёки N9 саволда “ҳа” деган жавоб берилса, 1-жадвалнинг 7-устунида мактабгача ёшдаги ва ёки

мактаб ёшидаги оила аъзолари таълим муассасасига ва/ёки мактабга қатнайди деб белгиланган бўлса, аниқлик киритилиши зарур).

106. N11 саволида сўнгги бир йил мобайнида, қачондир уй хўжалиги аъзоларининг соғлиқни сақлаш хизматларига эҳтиёжи бўла туриб, мазкур хизматлардан фойдалана олмаганлик ҳолатлари аниқланади. Агар ушбу саволга “ха” деб жавоб берилса, N12 саволида келтирилган мос жавоб вариантлари орқали соғлиқни сақлаш хизматларидан фойдалана олмаганлик сабаби аниқланади.

107. N13 саволида уй хўжалигига тегишли турар-жойни қандай воситалар ёрдамида иситилиши аниқланади. Ушбу саволга турар-жойни иситишда марказлаштирилган ёки яқка тартибда фойдаланиб келинаётган иситиш воситасининг тури кўрсатилади. Ушбу саволга берилган жавоб саволноманинг C11 саволи маълумоти билан мос келиши лозим.

108. N14 саволида иситиш воситасининг қайси туридан фойдаланишидан қатъий назар уй хўжалиги аъзоларининг турар-жойни етарли даражада иссиқ ҳароратда сақлаб туришга молиявий имкониятларининг етарлилиги аниқланади.

109. N15 саволида уй хўжалиги томонидан таом тайёрлаш учун фойдаланиладиган буюм тури кўрсатилади. N15 саволига берилган жавобларни саволноманинг Н бўлими маълумотлари билан таққослаш лозим.

110. N13 ва N15 саволларида уй хўжалиги томонидан иситиш ҳамда таом тайёрлаш учун бир нечта буюмдан фойдаланилиши айтилса, энг кўп фойдаланиладиган восита тури кўрсатилиши лозим.

111. N16 саволида респондент томонидан берилган жавобга кўра уй хўжалиги аъзоларининг умумий даромадлари озиқ-овқат, ноозиқ-овқат маҳсулотлари, коммунал тўловлар, енгил автомобиллар ва уй жой сотиб олишга етарли эканлигини баҳолаш орқали уй хўжалигининг молиявий ҳолати аниқланади.

112. N17 саволида уй хўжалиги аъзоларининг бир ойлик доимий харажатларини тўлиқ қоплашга (жамғаришсиз), яъни «учма уч» етказишга ўртача қанча маблағ керак бўлиши мумкинлиги аниқланади.

13. Миллий валютадаги банк пластик картасининг мавжудлиги

113. О бўлими фойдаланилишидан қатъий назар уй хўжалиги аъзосининг пластик картага эга ёки эга эмаслигини аниқлаш учун мўлжалланган. Пластик картага эга шахслар учун O2 жадвал тўлдирилади.

**Ички туризм ва аҳолининг жисмоний фаоллиги кузатуви саволномасини
тўлдириш бўйича тушунтиришлар**

Саволноманинг титул қисми, уй хўжаликларини танлаш бланкасида кўрсатилган маълумотларга асосан интервьюер томонидан тўлдирилади.

**1. Уй хўжалиги таркиби, уй хўжалиги аъзоларининг жисмоний машғулотлар
билан шуғулланиши ва улар томонидан туристик сафарларнинг амалга
оширилиши**

1. А бўлим жадвалининг иккинчи устунига, уй хўжаликлари кузатуви саволномасининг 1-жадвалидаги тартибни ўзгартирмаган ҳолда, уй хўжалигининг барча аъзоларини кўчириб ёзиш керак.

А бўлим жадвалининг учинчи устуни бўйича савол кузатув ойида уй хўжалиги аъзоларининг жисмоний фаоллигини, яъни жисмоний машғулотлар билан шуғулланаётганлигини аниқлаш учун уларнинг барчасига берилади. Бунда, жисмоний машғулотларга инсоннинг барча турдаги жисмоний фаоллиги: эрталабки машғулотлар, югуриш, спортча юриш, сакраш, оғир нарсаларни кўтариш, сузиш, шунингдек, шейпинг, фитнес, гимнастика, енгил ва оғир атлетика, ҳаракатланиш ва спорт ўйинлари (футбол, мини футбол, баскетбол, волейбол, теннис, стол тенниси, бадминтон ўйинларини қўшган ҳолда), спорт туризми билан шуғулланишлари киришини назарда тутиш керак.

Уй хўжалигида жисмоний машғулотлар билан шуғулланаётган шахслар мавжудлиги аниқланган тақдирда, ушбу шахс бўйича ҳафта давомида машғулотлар билан шуғулланишнинг такрорийлиги (4-устунда) ва ҳар бир машғулотнинг давомийлиги (5-устунда) кўрсатилади.

2. Уй хўжалиги аъзолари томонидан Ўзбекистон Республикаси ҳудуди бўйлаб туристик сафарлар амалга оширилганлигини аниқлашдан олдин, интервьюер А бўлимига тушунтиришларни ўқиб эшиттирган ҳолда, қайси сафар туристик ҳисобланишини респондентга тушунтириши керак.

3. А бўлими жадвалининг олтинчи устуни уй хўжалигининг ҳамма аъзолари бўйича тўлдирилади, бунда, уй хўжалигининг ҳар бир аъзоси томонидан туристик сафар амалга оширилганлиги ёки оширилмаганлиги аниқлаштирилади ва мос жавоб варианты белгиланади (айлана ичига олинади).

4. А1 саволида, уй хўжалиги аъзолари томонидан кузатув ойида амалга оширилган барча сафарлар тўғрисида сўз юритилади. Ушбу саволда уй хўжалиги барча аъзоларининг сафарлари ҳақида сўз юритилаётганлиги учун, интервьюер респондентнинг диққатини бир жойга жамлаши ва ўйлаб кўриши учун вақт бериши керак.

5. A1 саволида, кузатув ойдаги туристик сафарларнинг умумий сони кўрсатилади, бунда, уй хўжалиги аъзоларининг гуруҳ бўлиб амалга оширган сафарларини битта туристик сафар деб ҳисоблаш керак.

2. Уй хўжалиги аъзоларининг Ўзбекистон Республикаси ҳудуди бўйлаб амалга оширган сафарлари тўғрисида маълумотлар

6. B бўлимидаги саволларга жавоб беришда, Ўзбекистон Республикаси ҳудуди бўйлаб амалга оширилган охириги учта туристик сафар тўғрисидаги маълумотларни кўрсатиш керак, агар рақам айлана ичига олинса, бўш катаклар рақамлар билан ва квадрат блоклар “х” белгиси билан тўлдирилади.

7. B1 саволида, туристик сафарнинг асосий мақсади бўлиб, ушбу сафар амалга ошишига сабаб бўлган мақсад ҳисобланади. Ҳар бир сафар бўйича фақат битта жавоб вариантини белгилаш керак.

Туристтик сафарларнинг қуйидаги асосий мақсадлари ажратиб кўрсатилади:

диққатга сазовор жойларни томоша қилиш, табиат билан боғлиқ жойларга ташриф буюриш, спорт ва маданий тадбирларни томоша қилиш, спорт билан (чанғи, отда юриш, гольф, теннис, пиёда саёҳат қилиш, альпинизм ва шунга ўхшаш) непрофессионал тарзда шуғулланиш; ҳавзалар ёнида дам олиш, сузиш бассейнларидан, ҳар қандай дам олиш ва кўнгил очиш жойларидан фойдаланиш, ёшлар ва соғломлаштириш оромгоҳларига, дам олиш уйларига бориш, даволаниш доирасида шуғулланишни қўшмаган ҳолда (бу ҳолда асосий мақсад бўлиб “даволаниш ва соғломлаштириш тадбири” мақсади ҳисобланади) фитнес билан шуғулланиш, уй хўжалигининг мулки ҳисобланган ёки ижарага олинган дала ҳовлига бориш ва шунга ўхшашларни ўз ичига олган таътил, ҳордиқ ва дам олиш;

танишлар ва қариндошларникига ташриф буюриш, булар оилавий тадбирларга (туғилган кун ва шунга ўхшаш), тўйларга, дафн маросимларига, дўстларникига ташрифларни, шунингдек, беморлар ёки қарияларни қисқа муддат давомида парвариш қилиш ва шунга ўхшашларни ўз ичига олади;

ишлаб чиқаришдан ажралган ва ажралмаган ҳолда қисқа муддатли ўқув курсларига қатнашиш, аниқ бир ўқув дастури (расмий ёки норасмий) асосида таълим олиш ёки тўлов асосида ўқиш, тилларни ўрганиш, касбий ёки бошқа махсус курслар, илмий таътиллар ва шунга ўхшашларни қўшган ҳолда расмий ўқув курслари ёрдамида аниқ кўникмаларга эга бўлишни ўз ичига олган таълим ва касбий тайёргарлик;

шифохонада, клиникада, шифохонадан кейинги қўшимча даволаниш учун санаторияда қисқа муддат давомида даволаниш, курортлар ёки косметик жарроҳликни қўшган ҳолда тиббий хизмат кўрсатувчи ёки маслаҳат берувчи бошқа муассасаларга ташриф буюришни ўз ичига олган даволаниш ва соғломлаштириш тадбирлари. Бир йил ва ундан ортиқ вақт давомида даволаниш муассасасида бўлишни талаб қиладиган узоқ муддат давомида даволаниш туризм соҳасига кирмайди;

диний маросим ва тадбирларга ташриф буюриш, муқаддас жойларни зиёрат қилиш ва шунга ўхшашларни ўз ичига олган диний жойлар ва зиёратгоҳларга ташрифлар;

олиб сотиш ёки келгусида ишлаб чиқариш жараёнларида фойдаланиш учун товарлар харид қилишни қўшмаган ҳолда (бу ҳолда ишга ва касбга оид мақсадлар

ҳисобланади), шахсий истеъмол ёки совғалар учун истеъмол товарлари сотиб олишни ўз ичига олган харидларни амалга ошириш;

кўнгилли асосдаги (ҳақ олмай) ишларни, ишга жойлашиш ва миграция имкониятларини ўрганишни, бошқа мақсадларга киритилмаган, ҳақ тўланмайдиган вақтинчалик фаолиятнинг бошқа турларини амалга оширишни ўз ичига олувчи бошқа шахсий мақсадлар;

кенгашлар, конференциялар, ярмаркалар ва кўргазмаларда иштирок этиш, лекциялар ўқиш, концертлар, томошалар ва спектакл дастурлари билан чиқиш, илмий-амалий ёки фундаментал тадқиқотларда иштирок этиш, туристик сафарлар дастурини тузиш, жойлаштириш ва транспорт хизматлари кўрсатиш бўйича шартномалар тузиш, профессионал спорт тадбирларида иштирок этиш ва шунга ўхшашларни ўз ичига олувчи, ишга ва касбга оид мақсадлар. Бу мақсадларга, корхона ёки ташкилотда ёлланиб ишлаш мақсадида амалга оширилган сафарлар киритилмайди.

8. В2 саволида, ҳар бир сафар бўйича уй хўжалигининг сафарда бўлган аъзоси кўрсатилади. Бунда, уй хўжалиги аъзоларининг тартиб рақами А бўлимининг жадвалида кўрсатилган тартиб рақамига мос келишини, тегишли равишда Ўзбекистон Республикаси бўйлаб туристик сафарда бўлганлар бўйича А бўлим жадвалининг олтинчи устунда “1” жавоби кўрсатилганлигини ҳисобга олиш керак.

9. В3 саволида, туристик сафарнинг асосий белгиланган жойи кўрсатилади. Бунда, ҳар бир сафар бўйича фақат битта жавоб варианти бўлишига эътибор бериш керак. Ўз навбатида, туристик сафар уй хўжалигининг доимий яшаб турган туман (шаҳар) ҳудуди бўйлаб, туман (шаҳар) ташқарисига, лекин вилоят ҳудуди бўйлаб ёки вилоят ташқарисига амалга оширилган бўлиши мумкин.

10. В4 саволида, доимий яшаш жойидан сафарнинг асосий белгиланган жойигача бориш учун бир томонга бўлган тахминий масофа, километрларда кўрсатилади.

11. В5 саволида, туристик сафар давомида фойдаланилган асосий транспорт тури кўрсатилади, бунда фақат битта жавоб варианти белгиланади. Асосий транспорт тури, сафар давомида масофанинг асосий қисми қайси транспорт турида босиб ўтилганлигидан келиб чиқиб белгиланади, масофа бир хил бўлган ҳолатда – умумий транспорт харажатларида улуши кўп бўлган транспорт тури кўрсатилади.

“Бошқа транспорт турлари”га велосипедда, отда ёки туяда, пиёда юриш ва шунга ўхшашларни киритиш керак.

12. В6 саволида, туристик сафар давомида ташриф буюрилган барча жойларда ўтказилган тунаб қолишлар сони кўрсатилади. Бунда, транспортда йўлда ўтказилган тунаб қолишлар киритилмайди.

Тунаб қолишлар назарда тутилмаган сафарлар, сафар неча соат давом этишидан катъий назар бир кунлик сафарлар деб қаралади.

13. В7 саволида, туристик сафар давомида ташриф буюрилган жойда энг кўп тунаб қолишлар ўтказилган жой кўрсатилади (фақат битта жавоб вариантини белгилаш керак).

14. В8 саволидаги маълумотлар, респондентдан В9-В21 саволларига жавоблар олингандан кейин, интервьюер томонидан тўлдирилади, бунда, туристик сафар билан

боғлиқ барча харажатлар минг сўмда жамланади, яъни В9-В21 сатрлари бўйича харажатлар йиғиндиси В8 сатрининг якуний маълумотларига тенг бўлиши керак.

15. В9 саволида, сафар билан боғлиқ бўлган турли хизматлар тўплами қўйматида ўз ичига олган комплекс сафарларга (турларга) қилинган харажатлар кўрсатилади.

16. В10-В21 саволларида, В9 саволида кўрсатилгандан ташқари барча харажатлар, яъни ташриф буюрувчи томонидан мустақил равишда амалга оширилган (яъни, турпакетсиз сафарга боришда ёки турпакетга қўшимча равишда) харажатлар кўрсатилади.

17. В11 саволида, овқатланиш корхоналари хизматларига, яъни қахвахонада, ресторанда, ошхонада овқатланишга тўлов, официантлар, мусиқачилар хизматлари ва шунга ўхшаш хизматларга харажатлар кўрсатилади.

18. В14 саволида, шахсий автотранспортга қилинган харажатлардан ташқари, автоўл, йўловчи ва бошқа турдаги шахар транспортдан фойдаланиш учун қилинган харажатлар кўрсатилади. Бу харажатларга, автобусда, йўналишли таксида, таксида, метрода, трамвайда, троллейбусда юриш учун тўловлар ва шунга ўхшаш харажатлар киради.

19. В15 саволи, уй хўжалиги ёки сафарнинг бошқа иштирокчилари шахсий мулки бўлган автотранспортда амалга оширилган сафарларга тегишлидир. Бунда, сафар давомида уй хўжалиги аъзолари томонидан шахсий автотранспортга ёқилги қўйиш ёки жорий таъмирлаш учун қилинган харажатлар кўрсатилади.

20. В16 саволида, туристик агентликлар хизматлари ва жойни олдиндан банд қилиш бўйича бошқа хизматларга қилинган харажатлар, айнан туристик агентликларнинг алоҳида хизматларини тўлаш учун қилинган, масалан экскурсиялар, маданий ва спорт тадбирлари, транспорт билан таъминлаш, меҳмонхонада жойни, чипталарни олдиндан банд қилиш ва шунга ўхшаш харажатлар кўрсатилади.

21. В17 саволида, томоша тадбирларига (концертлар, театрлар, кино), музейларга, ҳайвонот боғларига, ботаника боғларига ташриф буюриш, шунингдек, тарихий жойлар ва табиий қўриқхоналарга сафар қилиш билан боғлиқ бўлган, маданият соҳасидаги хизматларга харажатлар кўрсатилади.

22. В18 саволида, спорт-соғломлаштириш тадбирларига, истироҳат боғлари ва шу сингари аттракционлар, дам олиш масканлари ва шунга ўхшашларга ташриф буюриш билан боғлиқ бўлган спорт хизматлари, дам олиш ва ҳордиқ чиқаришга қилинган харажатлар кўрсатилади.

23. В19 саволида, шахсий фойдаланиш учун ва совға сифатида олинган қимматбаҳо буюмлар – заргарлик буюмлари, коллекция буюмлари, антиквар буюмлар сотиб олишга қилинган харажатлар кўрсатилади.

24. В20 саволида, шахсий истеъмол ва совға қилиш учун (қимматбаҳо буюмлардан ташқари) сотиб олинган товарларга қилинган харажатлар кўрсатилади.

25. В21 саволида, сафар билан боғлиқ ва В9-В20 саволларида акс эттирилмаган бошқа харажатлар, шу жумладан, тиббиёт муассасалари, таълим, суғурта хизматлари, шахсий фойдаланув учун мўлжалланган буюмларни таъмирлаш, сартарошхоналар ва гўзаллик салонлари, бошқа ўзига хос хусусиятдаги хизматларга қилинган харажатлар кўрсатилади.